

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ҲИСОБ ВА АУДИТ ФАКУЛТЕТИ

“БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ” КАФЕДРАСИ

САФАРОВ СЕВДИЁР НОДИРОВИЧ

**“КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК
СУБЕКТЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ
ҲИСОБОТИ”**

5230900 – “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)”
бакалаврият таълим йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун ёзилган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар:

к.ўқ. Ш.Халилов

ТОШКЕНТ – 2016

МУНДАРИЖА:

Кириш.....	3
I БОБ. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида молиявий ҳисоботни тузиш ва унинг назарий асослари.....	8
1.1. Молиявий ҳисоботнинг мазмуни, таркибий шакллари ҳамда уларнинг тамойиллари.....	8
1.2. Молиявий ҳисоботнинг бошқарув тизимидаги роли ва аҳамияти.....	18
II БОБ. Кичик тадбиркорлик субъектларининг молиявий ҳисоботини тайёрлаш ва тақдим этиш.....	27
2.1. Бухгалтерия балансини тузиш тартиби.....	27
2.2. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни тузиш тартиби.....	36
III БОБ. Кичик тадбиркорлик субъектларининг молиявий ҳисоботини тақдим этишни такомиллаштириш.....	42
3.1. Молиявий ҳисоботлар элементларини баҳолаш ва уни такомиллаштириш.....	42
3.2. Кичик тадбиркорлик субъектларида молиявий ҳисоботларни юритишда инфор­мацион технологияларни қўллаш истиқболлари.....	54
Хулоса ва таклифлар.....	64
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	66

Кириш

Битирув малакавий иши мавзусининг долзарблиги.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар иқтисодийни модернизациялаш, таркибий тузилишини диверсификациялаш, барқарор ўсишини таъминлаш, миллий иқтисодийни жаҳон молиявий инқирози салбий таъсиридан ҳимоялаш воситасини ўтамоқда. Шу билан бирга, иқтисодийтимизнинг реал секторидида жаҳон молиявий инқирози салбий оқибатларини бартараф этишнинг ҳал қилувчи омиллари Ўзбекистон ҳукумати томонидан қабул қилинган инқирозга қарши чоралар дастурида аниқ белгилаб берилди. Биринчи навбатда, бу – иқтисодийнинг базавий тармоқларида экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ишларини амалга оширишда намоён бўлмоқда. Мазкур вазифаларни ижро этишда тўғридан-тўғри хорижий ва ички инвестицияларни жалб қилиш кўламини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада мамлакатимиз Президенти И.Каримов асарларида иқтисодийтимиздаги таркибий ўзгаришларни амалга ошириш жараёнида инвестиция муҳитининг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилган: Мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни изчил амалга оширишда қулай инвестиция муҳитининг яратилгани асосий омил бўлиб келмоқда. 2010 йилда иқтисодийни ривожлантириш учун “Мамлакатимизда 2014 йилда иқтисодийтимизга жалб қилинган инвестициялар ҳажми 10,9 фоизга ўсди ва АҚШ доллари ҳисобида 14 миллиард 600 миллион долларни ташкил этди. Бунда жами капитал қўйилмаларнинг 21,2 фоиздан ортиғи ёки 3 миллиард доллардан зиёдини хорижий инвестиция ва кредитлар ташкил қилди. Уларнинг тўртдан уч қисми тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир. Инвестиция дастурини амалга оширишда корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан йўналтирилган тўғридан-тўғри хусусий инвестицияларнинг йилдан-йилга фаол иштирок этаётгани

барчамизга алоҳида мамнуният бағишлайди. Биргина ўтган йилда бундай инвестициялар ҳажми 10,3 фоизга ўсиб, 4 миллиард 300 миллион долларни ёки жами инвестициялар ҳажмининг қарийб 30 фоизини ташкил этди. Ўтган йили тижорат банкларининг инвестициявий фаолияти ҳам кенгайди. Улар томонидан 1 миллиард 700 миллион доллар ёки 2013 йилга нисбатан 20 фоиз кўп инвестициялар йўналтирилди.¹

Бозор иқтисодиёти шароитида кичик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий ва молиявий салоҳияти ва ҳолати тўғрисидаги маълумотлар етакчи бўлиб, уларга фойдаланувчиларнинг турли тоифалари: таъсисчилар, акциядорлар, кредиторлар, инвесторлар, мол етказиб берувчилар ва бошқалар манфаатларини камраб олади. Бунда фойдаланувчиларнинг ҳар бири корхона молиявий ҳолатини баҳолашда ўз манфаатларидан келиб чиқади ва ўз мезонларига амал қилади.

Маълумки, кичик тадбиркорлик субъектларида молиявий ҳисоб ва ҳисоботини ривожлантириш, ислоҳ қилиш бевосита бозор муносабатларига ўтиш билан узвий боғлиқдир. Бу эса республикамизда молиявий ҳисоботни халқаро андозалар талаблари асосида такомиллаштиришни зарурият қилиб қўймоқда, айниқса республикамизнинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши турли халқаро ташкилотларда қатнашиши иқтисодий кўрсаткичларни жорий мезонларга таққослашда ҳисобнинг услубий тамойилларини жаҳон амалиётида қабул қилинган андозалар талабларига жавоб беришни талаб этади.

Президентимиз айтиб ўтганидек: “Макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодиётнинг мутоносиблиги таъминланди.

Экспорт ҳажми сезиларли равишда, яъни 11.6 фоизга ўсди, экспорт қилинаётган маҳсулотлар таркиби ва сифати яхшиланиб бормоқда. Бунинг натижасида хом ашё бўлмаган таёр товарларнинг улуши 70 фоиздан

¹ Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. – Т.: “Халқ сўзи” газетаси. 2015 йил 17 январь.

зиёдни ташкил этмоқда. Ташқи савдо айланмасидаги ижобий сальдо 1 миллиард 120 миллион доллардан ошди”².

Кичик тадбиркорлик субъектларининг молиявий ҳисобот моддалари уларнинг гуруҳидаги молиявий аҳволи, операциялар натижалари ва молиявий аҳволдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ахборотларга бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида ривожлантирилган. Турли хил мулкчилик шакллари қарор топган ҳозирги шароитда молиявий ҳисоботларни таҳлил қилиш ва улар асосида умумий маълумотларни аудит ёрдамида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида мавжуд ҳолатни ўз вақтида аниқлаш ҳамда керакли қарор қабул қилиш, аввало, республикамизда фаолият юритаётган холдинг компаниялар, таркибидаги акциядорлик компаниялари, акциядорлик жамиятлари, шўба корхоналари мавжуд бўлган иқтисодий субъектлар ҳамда кичик тадбиркорлик субъектлари учун айниқса зарурдир.

Юқорида қайд қилинган натижалар ва иқтисодийни модернизациялашнинг устувор йўналишлари республикамизда инвестицион фаоллик даражасини оширишни, бизнесни бирлаштириш жараёнларидан кенг кўламда фойдаланишни, жами инвестициялар таркибида уларнинг улушини кўпайтиришни, бизнесни бирлаштириш воситасида хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий ва молиявий ресурсларнинг барқарор манбаларини шакллантириш, улардан самарали фойдаланишни, бирлашаётган корхоналарнинг молиявий ҳолати ҳамда фаолият натижалари тўғрисида тўлиқ маълумотлар билан фойдаланувчиларни таъминлаш каби муаммоларни ҳал этишни кескин вазифа қилиб қўймоқда.

Бу мақсадга эришиш учун кичик тадбиркорлик субъектлари молиявий ҳисоботини такомиллаштириш, уни амалга оширишда янги прогрессив усулларни қўллаш, хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш ёрдамида

² И.Каримов Бош мақсадимиз-кенг кўламли ислохатлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Т.: “Ўзбекистон”, 2013 йил 5-б.

фойдаланилмаётган резервларни қидириб топиш ва уларни ишлаб чиқаришга сафарбар этиш, шу куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари. Битирув малакавий ишининг мақсади кичик тадбиркорлик субъектларининг молиявий ҳисоботи, уни тузиш ва тақдим этишнинг концептуал асосларини такомиллаштиришнинг услубий йўллари аниқлаш ҳамда уларни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланди ва ечилди:

- молиявий ҳисоботнинг мақсади ва вазифалари белгилаш;
- кичик тадбиркорлик субъектларида ҳисобот тузишнинг асосий тамойиллари ва қоидаларини ўрганиш;
- кичик тадбиркорлик субъектлари молиявий ҳисобот тузишнинг объектлари ва субъектларини белгилаш;
- кичик тадбиркорлик субъектларида молиявий ҳисоботни ташкил этишнинг услубий асосларини ўрганиш;
- молиявий ҳисоботнинг таркиби, тузиш босқичлари ва тартибини тадқиқ қилиш;
- республикамизда кичик тадбиркорлик субъектларида молиявий ҳисоботларни тузиш амалиётидаги муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий ишининг объекти. Битирув малакавий ишининг объекти бўлиб, “MURODJON SERVIS” масъулияти чекланган жамияти ҳисоботи маълумотлари ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг предмети. Битирув малакавий ишининг предмети бўлиб, кичик тадбиркорлик субъектларининг молиявий

ҳисоботи, уни тузиш ва тақдим этишнинг концептуал асосларини йўлга қўйиш ва юритишнинг муҳим элементлари ҳисобланади.

Битирув малакавий иши мавзусининг назарий - амалий аҳамияти. Битирув малакавий ишида келтирилган таклифлар ва тавсиялар республикамиз кичик тадбиркорлик субъектлари молиявий ҳисоботларини акс эттириш уларнинг молиявий ҳисоботи аудити самарадорлигини ошириш имконини беради. Шунингдек Тошкент Молия институти “Бухгалтерия ҳисоби” кафедраси томонидан ўтилаётган фанлар бўйича маъруза матнлари ва ўқув қўлланмаларини тузишда, талабаларга дарс ўтишда фойдаланилмоқда.

Битирув малакавий ишининг тузилиши ва ҳажми. Битирув малакавий иши кириш, 3 боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИ ТУЗИШ ВА УНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Молиявий ҳисоботнинг мазмуни, таркибий шакллари ҳамда уларнинг тамойиллари

Иқтисодий ислохотларни амалга оширишда корхоналарнинг маблағлари ва уларни ташкил бўлиш манбаларининг ҳаракат ва ҳолати тўғрисида маълумотларни йиғиб беришда бухгалтерия ҳисоби асосий восита ҳисобланади. Бухгалтерия ҳисоби соҳасида ислохотлар ўтказишнинг асосий омили – бу жаҳон андозаларига мос келувчи халқаро ҳисоб тизими турларидан фойдаланишдир.

Ривожланган мамлакатларда корхона ва фирмаларида бухгалтерия ҳисоби молиявий ва бошқарув ҳисобларига бўлинади.

Молиявий ҳисоб асосан ҳам ички, ҳам ташқи ахборот фойдаланувчилар талабларини керакли маълумотлар билан таъминлаш мақсадида ташкил қилинади. Молиявий ҳисоб маълум низом, қоида ва қонунлар билан тартибга солинадиган ҳисобдир.

Бошқарув ҳисоби эса корхона, компания ёки фирмани ички бошқаришда оқилона қарорлар чиқариш учун маълумот бериш мақсадида харажатларни гуруҳлайди, режалаштиради, маҳсулотлар таннархини аниқлайди, содир бўлиши мумкин бўлган харажатлар рўйхатини тузади, таҳлил қилади ва корхонани ривожлантиришда ўз фикрини билдиради.

Демак, ҳозирги бозор иқтисодиётида молиявий ва бошқарув ҳисобларининг алоҳида вазифалари муносабати билан илгари ягона бўлган бухгалтерия ҳисоби борган сари молиявий ва бошқарув ҳисобларига ажралиб бораяпти (1-чизма).

Молиявий ҳисоботнинг мақсади хўжалик субъектининг молиявий аҳволи, фаолияти, молиявий аҳволидаги ўзгаришлар тўғрисидаги ахборотни тақдим этишдан иборат. Бироқ молиявий ҳисобот иқтисодий қарорлар қабул қилиш учун фойдаланувчиларга зарур бўлган бутун

ахборотни ўз ичига олмайди, чунки ҳисобот асосан аввалги воқеаларнинг натижаларини акс эттиради.



1-чизма. Корхонани бошқариш тизимида молиявий ва бошқарув ҳисоблари³.

Молиявий ҳисобот қуйидаги ахборотларни ёритиб бериши керак:

- инвестиция қарорларини ва кредитлар беришга доир қарорларни қабул қилиш;
- хўжалик юритувчи субъектнинг бўлғуси пул оқимига баҳо бериш;
- хўжалик юритувчи субъектга ишониб топширилган ресурслар муносабати билан унинг ресурсларига, мажбуриятларига баҳо бериш;
- раҳбар органларнинг ишига баҳо бериш.

³ Гуломова.Ф.Ф. “Бухгалтерия ҳисобини мустақил ўрганиш учун қўлланма” Тошкент- “NORMA” 2011 й

Корхоналарнинг ҳисоботини қўйидаги аломатларга кўра, яъни турлари, тузишнинг даврийлиги, мақсади, ҳажми ва шу кабиларга қараб тасниф этиш мумкин.

Турларига кўра у бухгалтерия, статистика ва оператив ҳисоботларга бўлинади.

Бухгалтерия (молиявий, бошқарув) ҳисоботида корхонанинг ишлаб чиқариш-молиявий фаолиятига оид кўрсаткичлар бўлади. Мазкур ҳисобот оператив ва статистика ҳисоботи маълумотларининг жамлама ва таҳлилий ҳисоби асосида тузилади ва бирламчи ҳужжатлар билан тасдиқланади.

Республиканинг молиявий ҳисоботи кўп жиҳатдан халқаро андозалар талабларини инобатга олгандир.


Статистика ҳисоботи сон ва фақат кўрсаткичлар тизимидан иборатдир, буларни ўлчаш ва умумлаштириш бухгалтерия ҳисоби учун хос эмас, бу йўсинда ўлчаш ва умумлаштириш корхона фаолиятининг айрим жиҳатларини акс эттиришга мўлжаллангандир. Чунончи, статистика ҳисоботи ёрдамида ҳажми ва сифатига кўра маҳсулот (ишлар, хизматлар) реализацияси тўғрисидаги, корхонада қувватлардан фойдаланиш ҳақидаги, иш нормаларини бажариш хусусидаги, меҳнат унумдорлигининг динамикаси тўғрисидаги ахборот шаклланади. Мазкур ҳисобот бухгалтерия, статистика, оператив ҳисоб маълумотларига асосан, республика статистика идоралари белгилаб қўйган услуб ва шаклларга кўра тузилади.

Оператив ҳисобот корхонанинг ички таркибий бўлинмалари фаолиятини хўжалик операциялари содик қилинаётган пайтда ёки бундай операциялар яқунланиши биланоқ кундалик назорат қилиш ва бошқариш учун мўлжаллангандир. Мазкур ҳисоботда материаллар етказиб бериш режасининг бажарилиши, маҳсулотнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш, шартномаларга риоя этиш тўғрисидаги маълумотлар бор.

Тақдим этилишининг даврийлигига қараб даврий (йил ичидаги) ва йиллик ҳисоботни фарқлайдилар.

Даврий ҳисобот чорак, ярим йил, тўққиз ой учун тузилади ҳамда унда шакл ва кўрсаткичлар сони чекланган бўлади. Даврий ҳисоботни тақдим этиш муддатлари анча қисқа, уни таҳлил этиш ишдаги камчиликларни аниқлаш ва уларни тез тузатишга имкон беради. Йиллик ҳисобот ҳисобот йили учун корхона ишининг молиявий натижаларини тавсифлайди.

Мақсад-муддаога кўра ҳисобот ташқи ва ички ҳисоботларга бўлинади. Ташқи ҳисобот ахборотнинг ташқи истеъмолчилари томонидан корхона молиявий аҳволига баҳо бериш учун мўлжалланган. Ички ҳисобот эса корхона ва унинг таркибий бўлинмалари фаолиятини бошқариш учун зарурдир.



2-чизма. Бухгалтерия ҳисоботи ишончилиги тўғрисидаги ахборотдан фойдаланувчилар⁴

Иқтисодчи олим З.Маматов йиллик молиявий ҳисоботи тўғрисида ишончли ахборот олишдан ким кўпроқ манфаатдорлиги нуқтаи назаридан

⁴ З.Маматов. – “Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисобот аудитини ўтказишнинг метадологик муаммолари” 2004й. 145бет

уларни ички ва ташқи манфаатдор томонларга ажратиб кўрсатган

Ташқи ҳисобот икки томонлама тусдадир. Бир томондан у ахборотнинг ташқи истеъмолчилари, яъни мазкур корxonанинг акциядорлари ва мижозларига – корxона фаолиятининг натижалари тўғрисида тўғри ахборот олишдан мафаатдор бўлган кишилар ва ташкилотларга мўлжалланган. Иккинчи томондан эса, бу ҳисобот корxона раҳбари томонидан бошқарув қарорлари қабул қилиш учун хизмат қилади.


Ташқи ҳисобот муайян талабларга жавоб бериши лозим. Бу талабларнинг энг асосийси – корxonанинг мулки ва мажбуриятлари, унинг молиявий аҳволи ҳамда ҳисобот давридаги фаолияти натижалари тўғрисида мажбурий тарзда ва ўз вақтида ахборот тақдим этиш, бу ахборотнинг тўғри бўлиши, буларни бошқа корxonаларнинг режаси ва кўрсаткичлари билан таққослаш мумкинлиги, мулкчиликнинг турли шаклларидаги барча корxonалар учун ҳисобот тузиш шакллари ва услубиятини ягоналиги, оддийлиги, аниқлик, ахборотни ола билиш, ошқоралик, тежамкорлик, оқилоналик, таъсирчанлик ва қисқалиликдир.

Ҳажмига кўра ҳисобот бирламчи ва йиғма бўлиши мумкин: бирламчи ҳисоботлар корxonалар томонидан жорий ҳисоб маълумотларига кўра тузилади, йиғми ҳисобот эса худудий принципга кўра статистика идоралари томонидан томонидан тузилади. Одатда, йиғма ҳисоботда корxона фаолиятининг умумлашган кўрсаткичлари баён этилади ҳамда у бирламчи ҳисобот шаклларидаги тегишли кўрсаткичларнинг қўшилишидан⁷ ҳосил бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги⁵ Қонунига мувофиқ (16-модда), йиллик молиявий ҳисобот қуйидаги шакллардан иборат бўлади: молиявий ҳисоботларнинг изоҳлари тушунтириш хати кўринишида мунтазам равишда тақдим этилади.

⁵ Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни. 1996 йил 30 август, 16 моддаси.

Изоҳлардаги маълумотлар тақдим этилган молиявий ҳисоботнинг ҳар бир тегишли банди кўрсатилган ҳолда берилиши керак.



3-чизма. Молиявий ҳисобот шакллари.⁶

Молиявий ҳисоботлар маълум бир ҳисобот даври ёки маълум бир ҳисобот санаси бўйича тузилади. Бунда бухгалтерия баланси ва счётлардаги қолдиқлар бўйича маълумотлар маълум бир санага тузилади, молиявий ҳисобот шаклларининг қолганлари эса маълум бир давр учун тузилади.

Молиявий ҳисоботнинг ҳисобот даври 1 январдан 31 декабргача бўлган календарь йили ҳисобланади.

Молиявий ҳисоботнинг ҳажмини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгилайди.

⁶ Муаллиф томонидан тузилган

2012 йилнинг 1 октябрдан бошлаб юридик шахслар учун ҳисоботнинг қуйидаги шакллари амал қилмоқда (бюджет муассасалари, суғурта ташкилотлари ва банклар бундан мустасно);

Йиллик ҳисобот бўйича:

- 1-“Бухгалтерия баланси” шакли;
- 2-“Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” шакли;
- 4- “Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот” шакли;
- 5- “Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот” шакли.

Ярим йиллик ҳисобот бўйича:

- 1- “Бухгалтерия баланси” шакли;
- 2- “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” шакли;
- 4- “Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот” шакли.

Чораклик ҳисобот бўйича:

- 1- “Бухгалтерия баланси” шакли;
- 2-“Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” шакли.

Молиявий ҳисоботлари тузилаётганида қуйидагилар таъминланиши керак:

молиявий ҳисоботлари кўрсаткичларининг жамлама ва таҳлилий ҳисоб маълумотлари билан айнанлиги, одатда, ҳисобот давридаги кириш баланси кўрсаткичлари ҳисобот давридан илгариги давр учун якунловчи баланс кўрсаткичларига айнан бўлади.

Корхона ўз фаолиятининг барча турлари бўйича мустақил баланс тузади. Ушбу балансда мол-мулкнинг таркиби ва уни шакллантириш манбалари акс этади.

Йиллик ҳисоботга тушунтириш хати илова қилинади, аудиторлик ташкилоти текширгудек бўлса, аудитор хулосаси ҳам илова қилинади. Тушунтириш хатида қуйидаги маълумотлар бўлади: корxonанинг ташкил этилиш санаси ҳақида маълумотлар, унинг манзили, ташкил этилишдан мақсад, фаолият турлари, корхона таркиби. Корхона ихтисослашуви ва ишлаб чиқариш дастурининг бажарилишига алоҳида эътибор берилади.

Рақобатбардош маҳсулотнинг янги турларини ўзлаштириш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш юзасидан қандай ишлар қилингани таъкидланади, жорий этилган илғор технологик жараёнлар ва янги қувватларнинг рўйхати баён этилади. Тушунтириш хатида корхонанинг молиявий-хўжалик фаолияти тўла таҳлил этилади. Бундан ташқари, ушбу хатда капитал қуйилмаларнинг аҳволи ҳақида, янги қувватларни ўзлаштириш ва ишга тушириш, қурилиш, таъмирлаш, харажатлар ва молиялаш манбалари тўғрисидаги ахборот баён қилинади; корхонанинг бухгалтерия хизмати ишига, ҳисоб ишларини механизациялаш даражасига таъриф берилади, корхонада қабул қилинган ҳисоб сиёсати характерланади (реализация, ортиб жўнатиш ҳисоби, товар моддий бойликлар, тугалланмаган ишлаб чиқаришга баҳо берилади, фондлар, захиралар ҳисоби келтирилади).

Хўжалик субъектининг йиллик молиявий ҳисоботи мулк шаклидан қатъий назар, тўлиқ нусхаларда қуйидаги фойдаланувчиларга ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 25 февралгача бўлган муддатда тақдим этилади.⁷

Даврий (чораклик) ҳисобот таркиби йиллик ҳисоботдан ҳисобот шакллари сонининг камайишига қараб фарқланади.

Чораклик молиявий ҳисобот ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-куни тугагач тақдим этилади.

Чунончи, 1 ярим йил учун молиявий ҳисобот шу йилнинг 25 июлидан кечиктирмай тақдим қилиниши керак.

Корхона (чет эл инвестициялари бўлган корхоналар бундан мустасно) йиллик молиявий ҳисоботини ҳисобот йилидан кейин келадиган йилнинг 15 феврилида тақдим этадилар, чораклик ҳисоботини эса ҳисобот даври тугагандан кейин узоғи билан 25 кун орасида қуйидагиларга тақдим этади:

Мулкдорларга (давлат мулкани бошқаришга ваколати бўлган органларга; қатнашчилар, муассисларга – таъсис ҳужжатларига биноан);

⁷ 1-БҲМС “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот”. 26.07.1998 й. 62-63 банд

Давлат солиқ бошқармаси органига (корхона ўрнашган жой бўйича);

Давлат статистика органига (корхона ўрнашган жой бўйича).

Бошқа давлат органларига, амалдаги қонунларга биноан уларга корхона фаолиятининг айрим томонларини текшириш юкланган бўлса ва уларда тегишли ҳисоботларни олиш ҳуқуқи бўлса. Бундай органлар каторига жумладан, бюджет маблағлари эвзига корхона харажатларини молиялаётган молия органлари киради.

Чет эл инвестициялари бўлган корхоналар йиллик молиявий ҳисоботини ҳисобот йилидан кейин келадиган йилнинг 1 мартда корхонанинг ҳар бир қатнашчиси (мулкдор)га тақдим этадилар (таъсис ҳужжатида кўзда тутилган тартибда), бундай ҳисобот корхона жойлашган жойга кўра давлат солиқ инспекцияси органига ва корхона жойлашган ерга биноан давлат статистика органига ҳам тақдим этади.

Шўъба корхоналарига эга бўлган корхоналар молиявий ҳисоботидан ташқари ўзининг шўъба корхоналарини қамраб оладиган йиғма ҳисоботни ҳам тузадилар ва тақдим этадилар. Бу ўринда, шўъба корхона дейилганида, юридик шахс бўлган ва унинг устидан жорий, инвестиция масалаларида стратегик сиёсатни белгилаш юзасидан бош корхона томонидан доимий ҳуқуқ амалга оширилаётган корхона тушунилади.

Хўжалик фаолияти натижалари, мулкӣ ва молиявий аҳвол тўғрисидаги корхонанинг йиллик молиявий ҳисоботи манфаатдор бўлган фойдаланувчилар, яъни биржалар, харидорлар, мол етказиб берувчилар ва бошқалар учун очик бўлади. Молиявий ҳисобот у тақдим этилиши лозим бўлган муддатдан кечиктирмай белгилаб қўйилган манзилларга жўнатилади. Эълон қилинаётган ҳисоботнинг тўғрилигини мустақил аудиторлик ташкилоти тасдиқлайди.

Очилаётган корхоналар, муассасалар учун 1-ҳисобот йили юридик шахс ҳуқуқлари олинган санадан бошлаб то 31 декабрга қадар ҳисобланади, 1 октябрдан кейин тузилган корхоналар учун келгуси йилнинг 31 декабрига қадар бўлган давр ҳисобот йили деб саналади.

Молиявий ҳисобот қонун ҳужжатларида кўрсатилган ҳолларда календарь йилидан фарқли равишда даврлар бўйича (ой, чорак учун) ҳам тақдим этилиши мумкин.

Молиявий ҳисоботлар учун ҳисобот куни ҳисобот даврининг охири календарь куни ҳисобланади. Субъектнинг йиллик бухгалтерия баланси учун ҳисобот куни 31 декабр ҳисобланади, бухгалтерия натижалар тўғрисидаги йиллик ҳисобот учун ҳисобот даври 1 январдан 31 декабргача бўлган давр ҳисобланади.

Молиявий ҳисобот тамойиллари қуйидагилардан иборат⁸:

- Ҳисоблаш;
- Икки ёқлама ёзув усулида ҳисоб китобни юритиш;
- Узлуксизлик;
- Хўжалик операцияларини, активлар ва пасивларни пул билан баҳолаш;
- Ишончлилик;
- Эҳтиёткорлик;
- Мазмунининг шаклдан узунлиги;
- Кўрсаткичларнинг қиёсийлиги;
- Молиявий ҳисоботдаги бетарафлик;
- Ҳисобот даврида даромадлар билан харажатларнинг мувофиқлиги;
- Активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳоси;
- Тушунарлилик;
- Аҳамиятлилик;
- Жиддийлик;
- Хаққоний ва холис тақдим;
- Тугалланганлик;
- Изчиллик;

⁸ 00-БҲМС “Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос” .26.07.1998 й, 18-банди

- Ўз вақтида тақдим этиш.

Молиявий ҳисобот тамойилларининг ҳар бирини батафсил кўриб чиқадиган бўлсак, уларга қуйидагича таърифлар берилган.

1.2. Молиявий ҳисоботнинг бошқарув тизимидаги роли ва аҳамияти

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида фуқаролик-ҳуқуқий доирасининг кенгайиши бухгалтерия ҳисобида адекват (бир хиллик) трансформациялаш тамойилларнинг заруриятини юзага чиқармоқда.

Молиявий ҳисоб концепциялари ва унинг асосида ишлаб чиқарилаётган қонун қоидалар асосида хўжалик субъектларида молиявий ҳисобни юритилишни бозор инфраструктурасига мос элементларини яратиш зарурлиги сезилмоқда.

Бу борада Ўзбекистонда ҳисоб тизимини бозор иқтисодиётига мос тарзда ташкил этиш вазифалари олдимизга қўйилади. Бу вазифалар қуйидагилардан иборат:

-бухгалтерия ҳисоби бўйича амал қилинаётган норматив актларни ишлаб чиқариш ва қайта кўриб чиқиш;

-ҳисобнинг турли меъёрий ҳужжатларида бир хилликни таъминлаш. Уларни бир-бирини инкор этишига ва жараёнларни тўла қамраб олганлигига аҳамият бериш;

-бухгалтерия ахборотини истеъмол қилувчиларга тўлиқ, сифатли ва даврий етказиб бериш ва уни ўқиш юзасидан ягона тилга ўтказиш.

Концепция-турли хил тармоққа тегишли хўжаликлар, турли фаолият кўринишлари, ташкилий-ҳуқуқий шаклларида бухгалтерия ҳисобини олиб борувчи ва ташкил этувчи асосларни характерлайди.

Концепциялар биргаликда ҳам, алоҳида-алоҳида ҳолатда ҳам бухгалтерия ҳисобининг мақсадларига қарши бўлмаслиги лозим.

Молиявий ҳисобот концепцияси молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ, муайян қоидалар ва стандартлар риоя қилинган ҳолда ташкил этилади.

Молиявий ҳисобот қуйидаги вазифаларни ҳал этади:

-мавжуд ва потенциал сармоядорлар ва кредиторларнинг тушуниши учун қулай ва холис ахборотни тақдим этиш;

-мавжуд ва потенциал сармоядорлар ва кредиторларга кутилажак даромадлар билан боғлиқ суммалар, вақт ва таваккалчиликлар ҳақида фикр юритишга ёрдам берадиган ахборотни тақдим этиш;

-корхонанинг хўжалик ресурслари, унинг мажбуриятлари, мулк таркиби ва унинг ҳосил бўлиш манбалари, шунингдек, уларнинг ўзгаришлари ҳақидаги ахборотни тақдим этиш.

Молиявий ҳисоботни тузиш пул ифодасида амалга оширилади.

Тизимли молиявий ҳисоботда тўпланган ва ишланган ахборотдан корхона ташқарисидаги фойдаланувчиларига тақдим этишнинг асосий услуги бўлиб умумий белгиланган ташқи ҳисоботи ҳисобланади.

Молиявий ахборот қуйидаги талабларни қондириши керак: тизимли (бухгалтерлик) ҳисобида шаклланиши, аниқ-пухта, холис аҳамиятли бўлиши керак, бу, ундан қабул қилинаётган қарор натижасида таъсир қилиш учун фойдаланишга имкон беради. Истиқбол жиҳатдан қадрли, акс алоқага асосланиши ўз вақтида бўлиш, бошқаришга оид ёки бошқа қарорларни қабул қиладиган ёки тайёрлайдиган шахсларга тушунарли бўлиши керак. Синтетик ва таҳлилий рақамларнинг олиб борилишини назарда тутадиган бухгалтерия ахбороти ҳосил бўлиши тўғрилигини текшириш ва тасдиқлаш имконини беради.

Молиявий ҳисоботларда келтириладиган бухгалтерлик ахбороти қуйидаги талабларни қондириши керак: келтирилаётган маълумотларини таққослай олишлик: доимий бўлиши, яъни танланган даврда қабул қилинган методология ва ҳисоб амалларидан фойдаланиши керак: аҳамиятли яъни ундан фойдаланиш муайян даражада молия ҳисоботида келтириладиган фаолият кўрсаткичлари ва натижаларига таъсир қилиш мумкин.

Молиявий ҳисоботда келтириладиган ҳисоб ахбороти консерватив бўлиши керак, яъни активлар, мулкни баҳолашда одатда жоиз ва ҳоллардан энг пасти танланади, бу агарда активлар ёки мулкнинг бозор нархи таннархдан юқори бўлса, яъни ҳисоботда бойликлар, энг паст баҳода, яъни таннарх бўйича кўрсатилади. Аксинча, яъни агарда активлар ёки мулкнинг бозор нархи таннархдан паст бўлса, унда бу бойликлар бозор нархларида акс эттирилади. Ушбу хусусият активлар ва мулкни баҳолашда эҳтиёткорликни таъминланганидек, фойда миқдорини аниқлашда ҳам муҳим ўрин тутди. Молиявий ҳисоботларда келтириладиган бухгалтерлик ахбороти тўла ва ахборот фойдаланувчилари учун зарурий манбаларни энг кўпини ўз ичига олган бўлиши керак.

Ахборотларга қизиқиш қуйидаги мазмунда берилиши талаб этилади:

-инвесторлар ва уларнинг вакиллари – улар томонидан қўйилган инвестициялардан кутилаётган даромадлар ва хатарлар ҳақидаги ахборотлар ҳақида;

-инвестициялар бўйича имкониятлар ва уларни идора этилиши ҳақида;

-ташкилотларнинг дивиденд тўлай олиш қобилияти ҳақида кабилар.

Молиявий ҳисоботни ташкил этишдаги концепцияларни рўёбга чиқаришда қуйидаги талаблар ҳисобга олинади:

-ташкилотнинг мажбуриятлари ва мол-мулклари шу ташкилотдаги мулк эгаларининг мажбуриятлари ва мол-мулкдан алоҳида ҳисобга олинади;

-ташкилот ўзининг фаолиятини кузатилган келажакда ҳам давом эттиради, бу ташкилотнинг фаолиятини тўхтатиш ёки тўхтатиш каби ниятлари мавжуд бўлмайди, шу билан бирга ўрнатилган қонун қоидалар бўйича мажбуриятлар тўланиб борилади;

-ташкилот томонидан танлаб олинган ҳисоб сиёсати – жорий йилнинг кейингисига нисбатан, бир ташкилот чегарасида шунингдек ўзаро боғлиқ ташкилотлар миқёсида қўлланилади.

Молиявий ҳисоботни ташкил этиш ва тузиш концепциясининг асосий принципларидан яна бири ҳар бир хўжалик операциясини, хўжалик фактини иқтисодий мазмун ва икки хиллик хусусиятдан келиб чиқиб, молиявий ҳисобнинг бир хил суммада акс эттиришга имкон берадиган кўш ёзув услубини қўллаш ҳисобланади.

Синтетик ва таҳлилий рақамлар ёрдамида ташкил этилажак тизимни молиявий ҳисоботда умумлаштирилган корхона мулки ва унинг шаклланиш манбалари ҳақидаги аниқ пухта ахборотни олишга имкон беради.

Молиявий ҳисобот асосида ўтказиладиган корхонанинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш имкониятининг мавжудлиги ҳам асосий қоида ҳисобланади. Корхонанинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш, баланс активлари ликвидлигини аниқлаш, ишлаб чиқариш захиралари ва бошқа моддий бойликларнинг нақдлигини аниқлаш, шунингдек қатор коэффициентларни ҳисоблашни назарда тутати.

Молиявий ҳисоботдан нафақат корхона ичида фойдаланиш, балки у асосан ташқи фойдаланувчиларга йўналтирилганлиги сабабли, халқаро қоида ва стандартларга мувофиқ ўтказилиши лозим бўлган аудиторлик текшируви зарурлигини ҳам характерлайди.

Молиявий ҳисобнинг қабул қилинган принциплари мамлакатларнинг кўпчилигида бошланғич нархларга асосланган кўрсаткичларни ўз ичига олган молиявий ҳисоботлари (молия ведомостлари)га йўналтирилган.

Бундай ёндашув икки сабаб билан тушунтирилади, бошланғич нархлар, корхона битим содир этилган сониясида тўловни амалга оширган ёки маблағларни олган ҳақиқий нархларни ифодалайди: бошланғич нархлар, одатда, мустақил шериклар ўртасида тижорат битимининг тузилиши натижаси ҳисобланади ва шунинг учун холис ва текшириб тўлайдиган молия операцияларининг кўрсаткичларидан иборат бўлади.

Молиявий ҳисобот ахборотига эҳтиёж қуйидагиларда вужудга келади:

- акциядорлар ҳам улар хўжалик субъектининг дивидендларни тўлаш қобилиятини баҳолашга имкон берадиган ва акцияларни сотиб олиш, сақлаш ёки сотиш керакми ёки йўқлигини белгилашга кўмаклашадиган ахборотдан манфаатдорларда;

- ўзларига тегишли кредитлар ва фоизлар ўз вақтида тўланадими ёки йўқми эканлигини аниқлашга имкон берадиган ахборотдан манфаатдор бўлган кредиторларда;

- ўзларига тегишли сумма ўз вақтида тўланадими ёки йўқми эканлигини аниқлашга имкон берадиган ахборотдан манфаатдор бўлган маҳсулот етказиб берувчилар ва бошқа савдо кредиторларида;

- хўжалик юритувчи субъектнинг узлуксиз фаолияти тўғрисидаги ахборотдан манфаатдор бўлган харидорларда, айниқса улар узоқ муддатли битимга эга бўлсалар ёки мазкур хўжалик юритувчи субъектга боғлиқ бўлсалар;

- хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти барқарорлиги ва рентабеллиги тўғрисидаги ахборотдан манфаатдор бўлган ходимларда. Улар ҳам хўжалик юритувчи субъектнинг ўз иш ҳақларини, пенсияларини ва кейинчалик ҳам ёллаш бўйича ишлаш имкониятларини таъминлаш қобилиятига баҳо бериш имконини яратадиган ахборотдан манфаатдордирлар;

- ресурсларнинг тақсимланиши ва бинобарин субъектларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан манфаатдор бўлган давлат бошқаруви органларида. Уларга ҳам хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятини тартиб га солиб туриш, солиққа тортиш сиёсатини белгилаш учун ва миллий даромадни ҳамда бошқа статистик маълумотларни аниқлаш учун асос сифатида ахборот керак;

- жамоатчиликда ҳам, чунки хўжалик юритувчи субъектлар маҳаллий иқтисодиётга кўпгина усуллар билан, шу жумладан аҳолини иш билан таъминлаш ва маҳаллий маҳсулот етказиб берувчиларни қўллаб-қувватлаш билан катта ҳисса кўшиши мумкин. Молиявий ҳисобот

жамоатчиликни тараққиёт йўналишлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг фаровонлигини яхшилашда эришилган сўнгги ютуқлар тўғрисидаги ахборот билан таъминлаб, уларга ёрдам беради.

Хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари молиявий ҳисоботнинг тузилиши ва тақдим этилиши учун жавобгардир. Раҳбар ўз эҳтиёжларини кондиритиш мақсадида қўшимча ахборотнинг шакли ва мазмунини белгилаш ҳуқуқига эгадир. Бироқ бундай қўшимча ахборот шакллари муҳокама қилиш мазкур концептуал асос доирасидан чиқади.

Молиявий ҳисобот моддаларидан фойдаланиб, корхона тўғрисида катта ҳажмда маълумот олиш, унинг молиявий аҳолини хизмат ва бозор фаоллигини таҳлил қилиш мумкин.

Таҳлил мақсадида ахборот манбалари ҳисобга олинмайдиган ва ҳисобга олинмайдиган манбаларга ажратилади.

Таҳлилнинг олинмайдиган манбаларига қуйидагилар киритилади:

- бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот;
- статистик ҳисоб ва ҳисобот;
- оператив ҳисоб ва ҳисобот;
- танлаб олинган ҳисоб маълумотлари.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботда хўжалик маблағлари ва хўжалик операциялари акс эттирилади ҳамда умумлаштирилади.

Статистик ҳисоб ва ҳисобот оммавий ҳодиса ва жараёнлар йиғиндисини акс эттиради, бу уларнинг миқдорий жиҳатдан тавсифлайди. Улар асосида муайян иқтисодий қонуниятлар аниқланади.

Оператив ҳисоб ва ҳисобот зарур ахборотнинг тезроқ олиншини тахминлайди.

Танлаб олинган ҳисобот маълумотлари ҳисобот кўрсаткичларини чуқурлаштириш ва муфассаллаштириш имконини беради.

Ахборотнинг ҳисобга олинмайдиган манбаларига қуйидагиларнинг материаллари киритилади:

- идора ичидаги ва идора ташқарисидаги тафтиш;

- ташқи ва ички аудит;
- лаборатория ва врач-санитария назорати;
- солиқ хизматлари текширувлари;
- меҳнат жамоаси кенгашлари, йиғилишлари.

Таҳлил жараёнида тасдиқланган режа, бизнес-режа маълумотлари, меъёрий материаллар ҳам жалб қилинади.

Ахборот олишнинг осонлигига кўра очик ва ёпиқ ахборотга ажратилади. Бухгалтерия ва статистика ҳисоботи таркибидаги ахборот хўжалик юритувчи ихтиёридан ташқарига чиқади ва очик ахборот ҳисобланади.

Хўжалик юритувчи ҳар бир субъект ўз режа кўрсаткичлари, меъёрлари, нормативлари, таърифлари, лимитлари, уларни баҳолаш ва ўз молиявий фаолиятини тартибга солиш тизимини ишлаб чиқади. Бу ахборот унинг тижорат сирини, баъзида «ноу-хау» ни ташкил қилади.

“Корхоналар ва тадбиркорлик фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига кўра, корхона таркибида тижорат сирини бўлган ахборотни тақдим этмаслик ҳуқуқига эга. Тижорат сирини ҳисобланувчи маълумотлар рўйхатини шу корхона раҳбари белгилайди.

Корхона молиявий ҳолатини таҳлил қилишнинг асосий манбалари молиявий ҳисобот ва бухгалтерия ҳисоби ҳисобланади.

Корхоналар ва ташкилотлар ҳисоботи корxonанинг ўтган давр мобайнидаги иш якунлари, натижалари ва шароитлари тўғрисидаги маълумотлар мажмуидир. Бу ахборот молиявий ресурслар, уларни жойлаштиришнинг оқилоналиги, улардан фойдаланиш самарадорлиги, ўз айлана маблағлари ва асосий воситаларни сақлаш ҳамда кўпайтириш, эришилган натижаларни баҳолаш нуқтаи назаридан жуда муҳимдир.

Корхона молиявий ҳисоботи материалларидан ички ва ташқи аудитда, ҳар хил турдаги текширув ва тадқиқотларда, корxonанинг тўловга қобилиятлилиги ва барқарорлигини аниқлашда, кредитлар бериш ва ҳар турли битимларни тузишда кенг фойдаланилади.

Корхонанинг йил чораги ва йиллик молиявий ҳисоботи шакллари тўлдириш бўйича кўрсатмаларда назарда тутилган талабларга катъий риоя қилиб тузилган ҳисоботида ўтган давр мобайнида унинг молиявий-хўжалик фаолиятининг ҳажмлари ва сифат кўрсаткичлари тўғрисида етарлича ахборот бўлади.

Молиявий ҳисоботнинг асосий ҳужжати бухгалтерия баланси (1-сон шакл) ҳисобланади.

Бухгалтерия баланси корхонанинг хўжалик маблағларини ва уларни ташкил топиш манбаларини ҳолатини характерлайди. Бухгалтерия баланси халқаро андозаларга яқинлаштирилди.

“Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот” (2-сон шакл)да хўжалик фаолияти натижасида олинган даромадлар харажатлар турлари, шунингдек, молиявий натижалар; сотишдан олинган соф тушум; сотишдан олинган ялпи молиявий натижа; фойда солиғи тулашдан олдинги молиявий натижа (фойда еки зарар); ҳисобот йилининг соф фойдаси (зарари) кўрсатилади.

Худди шу шаклга “Бюджетга тўловлар тўғрисидаги маълумотлар” илова қилинган, унда бюджетга барча туловлар бўйича, бунга солиқ қонунчилигини бузганлик учун иқтисодий санкцияларни ҳам қўшиб ҳисоб-китоблар бўйича тегишли барча суммалар ва бюджетга ҳақиқатда тўланган суммалар кўрсатилади.

“Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот” (4-сон шакл)да корхона молиявий ресурсларидаги барча ўзгаришлар пул маблағлари ҳаракати нуқтаи назарида акс этирилади: хўжалик фаолиятида олинган пуллар ҳаракати; олинган ҳамда тўланган фоизлар ва дивидентлар; тўланган солиқлар; олинган ва қўйилган инвестициялар; акциялар ва заёмлар, шунингдек, ижара мажбуриятлари бўйича тушумлар ва тўловлар.

Кундалик хўжалик фаолияти жараёнида содир бўлган пул маблағларидаги барча ўзгаришлар шундай тартибга акс этириладики, у пул маблағлари қолдиғи билан уларга эквивалент бўлганлар ўртасида,

яъни қисқа муддатли юқори ликвид инвестициялар, эркин айирбошланадиган пул маблағлари ўртасида ўзаро боғлиқликни аниқлаш имконини беради.

4-сон шаклга “Валюта маблағларининг ҳаракати тўғрисида маълумотнома” илова қилиниб, унда давр боши ва охирига бўлган қолдиқлар, валюта маблағлари тушуми ва харажати тўғрисидаги маълумотлар келтирилади.

“Ўз сармояси тўғрисида ҳисобот” (5-сон шакл)да маблағлар ҳаракати, яъни маблағларнинг йил бошига ва охирига қолдиқлари, манбалар бўйича ўсиши, ўз маблағларининг ҳар бир тури бўйича камайиши: устав сармоя, захира сармоя, тақсимланмаган фойда тўғрисидаги маълумотда кўрсатилади. Агар зарар бўлса, унда ўз сармояси бўлган қопланмаган зарар суммаси кўрсатилади. Ҳисоботнинг мана шу шаклида чиқарилган акциялар тўғрисидаги маълумотлар ҳам келтирилади.

II БОБ. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТИНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ТАҚДИМ ЭТИШ

2.1. Бухгалтерия балансини тузиш тартиби

Бухгалтерия ҳисобини юритишнинг асосий мақсади маълум бир хўжалик субъектининг барча хўжалик муомалаларини расмий равишда ҳисобда акс эттириш ва маълум бир даврларда фойдаланувчиларга зарурий маълумотларни бериш ҳисобланади.

Молиявий ҳисоботларнинг мақсади кичик тадбиркорлик субъектларининг молиявий аҳволидан, унинг фаолиятдан ва унинг пул маблағлари ҳаракати бўйича маълумот беришдан иборат бўлиб, у фойдаланувчиларнинг кенг гуруҳига иқтисодий қарорлар қабул қилишлари учун зарурдир.

Молиявий ҳисобот хўжалик муомалалари хусусияти ва моҳияти жиҳатидан уларни гуруҳларга тузилмавий бирлаштириш натижаси ҳисобланади. Умумлаштириш ва тасниф қилиш жараёнининг якуний босқичи бу туркумларга ажратилган жуда қисқа ахборотни тақдим этишдир, чунки молиявий ҳисоботлар банд сифатида ва изоҳларда берилган бўлади. Молиявий ҳисоботлар, шунингдек, кичик тадбиркорлик субъектлари имкониятларини раҳбарият томонидан бошқарилишини амалга ошириш натижаларини ҳам кўрсатади.

Баланс бевосита корхона молиявий ҳолатини акс эттирувчи ҳисоботнинг асосий қисми ҳисобланади ва у қуйидаги элементлардан ташкил топади: активлар (узоқ муддатли ва жорий), мажбуриятлар, ўз маблағлари манбалари, даромад ва харажатлар.

Активлар – корхона томонидан назорат қилинадиган ресурслар бўлиб, иқтисодий манфаатлар олиш мақсадида корxonанинг олдинги фаолияти натижасида ҳосил қилинган маблағларидир. Активларда мужассамлашган иқтисодий манфаатлар корхона томонидан турли хил йўллар билан ўзлаштирилиши мумкин. Масалан, актив:

1. Товар моддий захираларини ишлаб чиқариш, хизматлар

кўрсатишга алоҳида ёки бошқа активлар билан боғлиқликда ишлатилиши мумкин;

2. Бошқа активлар билан алмаштирилиши мумкин;
3. Мажбуриятларни бажариш учун ишлатилиши мумкин;
4. Корхона таъсисчилари ўртасида тақсимланиши мумкин.

Мажбуриятлар – бу корхонанинг бошқа бирор корхона ёки жисмоний шахс олдидаги мажбурий бурчидир. Мажбуриятнинг асосий коидаси – бу корхонанинг бошқа субъектлар олдидаги жавобгарлиги ҳисобланади. Мажбурият шартнома ёки низом талабларидан сўнг намоён бўлиши мумкин. Мажбуриятларни сўндириш турли йўللар билан амалга оширилиши мумкин:

1. Тўлаш;
2. Бошқа активларни бериш;
3. Хизматлар кўрсатиш;
4. Бу мажбуриятларни бошқалар зиммасига юклаш;
5. Мажбуриятларни қимматли қоғозларга айирбошлаш.

Мажбуриятлар ҳақдор томон ўз ҳуқуқларидан воз кечганда ёки бу ҳуқуқлардан махрум бўлганда сўнган ҳисобланади.

Корхонанинг ўз маблағлари манбалари – бу активлардан мажбуриятларни чиқазиб ташлангандан сўнгги корхона активларидир. Корхонанинг ўз маблағлари устав, қўшилган, резерв, захирадаги капиталлар ва тақсимланмаган фойдадан иборат бўлади.

Захиралар – бу корхонанинг ўз маблағларининг бир қисми бўлиб, келажакда маълум бир харажатларга йўналтирилиши мумкин. Захираларни тузиш низом ёки қонун ҳужжатларида кўрсатиб ўтилади.

Даромадлар – бу активларнинг кўпайиши ёки ҳисобот даврида мажбуриятларнинг камайишидир. Корхонанинг умумий даромади, асосий ва қўшимча фаолият турларидан олинган даромадларни ўз ичига олади.

Асосий фаолият туридан олинган даромад бу товар–моддий захираларни сотиш, фоизлар ва дивидендлар олишдан, гонорар ва рентадан

корхона асосий фаолият турига боғлиқ ҳолда олинган даромадлар бўлиши мумкин.


Харажатлар – бу активларнинг камайиши ёки ҳисобот даврида мажбуриятларнинг кўпайишидир. Харажатларни аниқлаш ўз ичига корхонани бошқариш, товар–моддий захираларни ишлаб чиқиш ва уларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ харажатларни ва зарарларни олади.

Баланс тузилгунга қадар жорий давр охирига аналитик ҳисоб оборот ва қолдиқларини, бош китоб счёти оборот ва қолдиқлари билан албатта солиштириб текшириб чиқиш лозим.

Баланс маълумотларини йил бошига ва йил охирига солиштириш учун тасдиқланган баланс моддалари рўйхати йил охирига тасдиқланган баланс моддалари, бўлим гуруҳлари рўйхатига мослаштирилиши лозим.

Бухгалтерия баланси икки қисмдан: активлар ва пассивлардан ташкил топган.

Баланс активи 2 бўлими “Узоқ муддатли активлар” ва “Жорий активлар” га бўлинади



4-чизма: Узоқ муддатли активлар таркиби.⁹

⁹ Муаллиф томонидан тузилган

“Асосий воситалар” моддасида фойдаланилаётган, шунингдек, консервация ёки захирадаги асосий фондлар бўйича маълумотлар уларнинг бошланғич ва эскириш суммалари ҳамда уларнинг фарқи, яъни қолдиқ суммаси бўйича акс эттирилади.

Асосий воситалар таркибига бир йилдан кўпроқ муддатда хизмат қиладиган ёки хизмат муддатидан қатъий назар ҳар бир бирлигининг қиймати Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг эллик баравари миқдоридан кўп бўлган (сотиб олиш пайтигача) активлар киради.¹⁰ Асосий воситага эскириш ҳисобланганда амал қиладиган меъёрлар бўйича асосий воситалар тўла тиклаш амортизация ажратмалари ягона нормаларига риоя қилиш лозим.

Асосий воситаларни ҳисобга олишнинг зарурий шarti бўлиб уларни баҳолаш ягона принципи ҳисобланади. Асосий воситалар ҳисобга олиш ва ҳисоботда дастлабки, жорий қиймат, қолдиқ ва тугатиш қиймати бўйича акс эттирилади.¹¹

- бошланғич қиймат – тўланган ва қопланмайдиган солиқларни (ийғимларни), шунингдек активни ундан мўлжал бўйича фойдаланиш учун ишчи ҳолатига келтириш билан бевосита боғлиқ бўлган етказиб бериш ва монтаж қилиш, ўрнатиш, ишга тушириш ва исталган бошқа харажатларни ҳисобга олган ҳолда, асосий воситаларни тиклаш (қуриш ва қуриб битказиш) ёки харид қилиш бўйича ҳақиқатда қилинган харажатларнинг қиймати;

- жорий қиймат – маълум санадаги амал қиладиган бозор нархлари бўйича асосий воситаларнинг қиймати ёки хабардор қилинган, битимни амалга оширишни хоҳловчи, мустақил тарафлар ўртасида битимни амалга оширишда активни сотиб олиш ёки мажбуриятларни бажариш учун етарли бўлган сумма;


¹⁰ Фуломова.Ф.Ф. “Бухгалтерия ҳисобини мустақил ўрганиш учун қўлланма” Тошкент- “NORMA” 2011 й. 250 б

¹¹ Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (5-сон БҲМС) "Асосий воситалар" 09.10.2003 й. 2 банди

- қолдиқ (баланс) қиймат - жамланган амортизация суммасини чегирган ҳолда асосий воситаларнинг бошланғич (тиклаш) қиймати;
- тугатиш қиймати – асосий воситаларнинг чиқиб кетиши бўйича кутилаётган харажатларни чегирган ҳолда кўтилаётган фойдали хизмат муддати охирида асосий воситаларни тугатиш чоғида олинадиган активларнинг фараз қилинаётган суммаси.

“Номоддий активлар” моддасида хўжалик фаолиятида узоқ муддатда ишлатиладиган ва даромад келтирадиган корхона номоддий объектлари кўрсатилади. Номоддий активлар эскириши ҳар ойда улар бошланғич қиймати ва улардан фойдали фойдаланиш муддатидан келиб чиққан ҳолда корхона ҳисоблайдиган меъёр миқдорида бўлиб маҳсулот таннархига (давр харажати) кўшилади.

“Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар” моддасида корхонанинг бошқа корхона активларига узоқ муддатли қўйилмалари акс эттирилади. Молиявий қўйилмаларда қимматбаҳо қоғозлар номинал (бошланғич) баҳосида бошқа молиявий қўйилмалар эса ўрнатилган қонуний тартибда ҳақиқий харажатлар суммасида кўрсатилади.



5-чизма: Жорий активлар таркиби.¹²

¹² Муаллиф томонидан тузилган

“Ишлаб чиқариш захиралари” моддасида қайта тиклаш, қайта ишлаш ёки ишлаб чиқаришда фойдаланишга ёки хўжалик эҳтиёжлари учун мўлжалланган корхона ихтиёридаги меҳнат буюмлари ҳолати ҳақида маълумотлар, шунингдек, уларни тайёрлаш ва сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар ҳам кўрсатилади.

“Тайёр маҳсулот” моддасида тугалланган ишлаб чиқаришдаги маҳсулот ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархида кўрсатилиб, бу маҳсулотлар буюртмачи билан тузилган шартнома шартларига асосан ҳамма қисмлари йигилган, синовдан ўтган ва қабул қилинган бўлиши, техник шартларга ва стандартларга мос бўлиши лозим.

“Товарлар” моддасида савдо ва умумий овқатланиш фаолияти билан шугулланувчи корхоналар ўз хўжаликларини юргизиш учун келтирган қолдиқ товарлар қиймати кўрсатилади.

“Баланс активи бўйича жами” (400 сатр) моддасида (сатр.130+390) қаторлар йиғиндиси акс эттирилади.

Баланс пассиви икки бўлимдан, яъни “Ўз маблағлари манбалари” ва “Мажбуриятлар”дан иборат.

Фаолиятда иштирок этиш даражасига кўра барча хусусий капитал фаол ва фаол бўлмаган хусусиятларга эга бўлиши мумкин.

Турган жойига кўра хусусий капитал эксплуатациядаги, яъни фойдаланишдаги ва захирадаги (консервация қилинган) хусусий капиталга бўлинади

Тури ва кўриниш белгисига кўра, хусусий капитал реал моддий-товар бойликларидан иборат бўлади, яъни у, бино, иншоотлар, материаллар, тайёр маҳсулотлар, товарлар, пул маблағлари ва бошқалар ҳисобига шаклланади. Бўлар ҳам бухгалтерия балансида ўз аксини топган.

“Устав капитали” моддасида корхона таъсисчиларининг ҳиссалари (улуш, номинал қийматдаги акциялар, пай ажратмалари) йиғиндиси сифатида таъсис ҳужжатларда рўйхатдан ўтган устав капитали ҳажми кўрсатилади.



6-чизма: Ўз маблағлари манбалари (хусусий капитал) ¹³

Устав капитали ва таъсисчиларнинг устав капиталига ҳисса (ажратма) қарзлари балансда алоҳида кўрсатилади.

“Кўшилган капитал” моддасида корхона акция номинал қийматидан юқори баҳода бирламчи сотишда олинган эмиссион даромад суммаси кўрсатилади. Кўшилган капитал ҳисоби 8400 “Кўшилган капитал” счётида олиб борилади.

“Резерв капитали” моддасида корхона уставига асосан фойда ҳисобидан ташкил этилган захира фонди, бойликлар қайта баҳоланиши натижасида ташкил топадиган инфляция резерви, шунингдек, пул маблағларидан ташқари текинга олинган бойликлар қиймати, қайсики, ҳиссадорлик жамияти бойликларини оширадиган киримлар кўрсатилади. Захира капитали ҳисоби 8500 “Резерв капиталини ҳисобга олувчи счётлар” счётида олиб борилади.

¹³ Фуломова Ф.Ф. “Бухгалтерия ҳисобини мустақил ўрганиш учун мустақил қўлланма”. Тошкент-“NORMA”-2011й. 34 б.

“Тақсимланмаган фойда” моддасида чораклик ҳисоботда фойда-нетто, яъни тайёр маҳсулот, яримфабрикат, сотиб олинган буюмлар, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлар реализациясидан олинган молиявий натижани акс эттирадиган, шунингдек жараён даромадлари ва киримлар, 9400 “Давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар” счётидан ўтказиладиган харажатлар, корхона учун ноанъанавий, тасодикий турига тегишли фойда ва даромадлар, корхона фаолияти бўйича даромадлар ва харажатлар акс эттириладиган 9900 “Якуний молиявий натижани ҳисобга олувчи счётлар” счёти билан 9800 “Фойдадан солиқ ҳисоблаш ва тўлаш” счёти, қайсики, корхона ҳисобот йили давомида солиқ тўловини акс эттирадиган, шунингдек, фойдадан солиқни сўнгги ҳисоби бўйича солиқ суммаларини акс эттирадиган счётлар фарқи сифатида кўрсатилади.

Ҳисобот йили соф фойдаси (зарари) қолган 9900 “Якуний молиявий натижани ҳисобга олувчи счётлар” счёт қолдиғи (дебетдаги зарар ёки кредитдаги соф фойда) 8710 “Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси” (қопланмаган зарари) счётига ўтказилиб, бу счёт беркитилади. Йиллик ҳисоботда 8720 “Жамғарилган фойда (қорланланмаган зарар)” счёти кредитига ўтказилган фойда, шунингдек, 450 қаторда ҳам кўрсатилади.

Бу счётда олдинги олдинги йиллар тақсимланмаган фойдалари қолдиғи акс эттирилган бўлиб, унда ҳисобот йили тақсимланмаган фойдаси олдинги йил тақсимланмаган фойдаси билан кушиб кўрсатилади.

Мажбуриятлар – бу ҳисобот ёки олдинги даврларда вужудга келган кредиторлик ёки бошқа қарзлар бўлиб, уларнинг қопланиши (тартибга солиниши) иқтисодий нафнинг камайишига, яъни мавжуд активларнинг камайишига олиб келади.

Мажбурият корхонанинг турли битимларни бажариши натижасида вужудга келади ва товарлар, кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар юзасидан келгусидаги тўловлар учун ҳуқуқий асос бўлиб ҳисобланади.

Мажбуриятлар қисқа (жорий) ва узоқ муддатли бўлиши мумкин. Жорий мажбуриятлар – бу кредитор талабига кўра бир йил ичида тўланадиган мажбуриятлардир. Узоқ муддатли мажбуриятларга тўлов муддати бир йилдан ортиқ бўлган мажбуриятлар киради.

Мисол. “MURODJON SERVIS” масъулияти чекланган жамия таъсис ҳужжатларига мувофиқ устав капитали 250 000 минг сўмни ташкил этади. Бухгалтерия ўтказмалари қуйидагича бўлади.

1-жадвал¹⁴

**Устав капитали шаклланиши бўйича ҳисобварақлар
корреспонденцияси**

Т/р	Хўжалик муомалаларининг мазмуни	Сумма, минг сўм	Ҳисобварақлар корреспонденцияси	
			дебет	кредит
1	Устав капитали рўйхатга олинди	250 000	4610	8310
2	Асосий воситалар билан киритилди	120 000	0120	4610
3	Материаллар билан киритилди	53 000	1010	4610
4	Номоддий активлар билан киритилди	37 000	0400	4610
5	Қимматли қоғозлар билан киритилди	23 000	0610	4610
6	Ҳисоб-китоб счётига улушлар келиб тушди	17 000	5110	4610

Амалдаги қонунчиликка асосан, вужудга келган хорижий валютадаги мажбуриятлар ушбу бўлим счётларида сўмда ҳисобга олиниб, ҳисоблашиш-пул ҳужжатлари ёки шартномада келишилган ҳужжатларда кўрсатилган муддатда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўрнатган хорижий валюта курслари бўйича қайта ҳисоблаш орқали аниқланади. Шу билан бирга ушбу ҳисоблашишлар ҳисоб-китоб ва тўлов валюталарида акс эттирилади. Хорижий валюталар билан муомалалар юзасидан қарзларни

¹⁴ Муаллиф томонидан тузилган

коплаш даврида вужудга келган курс фарқлари 9540 “Курс фарқларидан олинган даромадлар” (ижобий) ёки 9630 “Курс фарқларидан зарарлар” (салбий) счётларида акс эттирилади.

2.2. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни тузиш тартиби

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот – бу шундай молиявий ҳисоботки, унда маълум бир давр учун кичик тадбиркорлик субъектларининг даромадлари ва ҳисобга олинган харажатлари умумлаштирилади. Бухгалтерия ҳисобини асосий компоненти – молиявий ҳисоботлар фойдаланувчиларга муҳим ҳисоб маълумотларини етказиб берувчи асосий восита ҳисобланади.

Бугунги иқтисодийни модернизациялаш шароитида республикамиздаги амалдаги ҳуқуқий меъёрларга мувофиқ кичик тадбиркорлик субъектларнинг молиявий натижаларини шаклланиши Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган Низомга¹⁵ асосан белгиланади. Мазкур Низомга мувофиқ молиявий натижаларнинг шаклланиш қаторларига қуйидагилар киритилади:

1. Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган ялпи молиявий натижа;
2. Асосий фаолиятнинг ялпи молиявий натижаси;
3. Молиявий фаолиятдан кўрилган натижа;
4. Умумхўжалик фаолиятидан олинган ялпи молиявий натижа;
5. Фавқулодда ҳолатлардан натижа;
6. Солиқ тўлангунгача бўлган ялпи молиявий натижа;
7. Йилнинг соф фойдаси (зарари).

Молиявий натижаларнинг бу таркиб туркумланишини халқаро ҳисоб андозаларига нисбатан берилган дейиш мумкин. Бунда асосий фаолият молиявий натижалар қаторига корхонанинг маҳсулот сотишдан оладиган

¹⁵ “Маҳсулот (иш, хизмат)лар ишлаб чиқариш харажатларининг таркиби ва молиявий натижаларнинг шаклланиш тартиби тўғрисида”ги Низом. 1999 йил 5-феврал

натижаси, асосий воситаларни сотишдан оладиган натижаси ва бошқа активларни сотишдан оладиган молиявий натижаси акс этади. Давр харжатлари улардан чегирилувчи қатор сифатида олинади.

“Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот”ни тўлдириш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 27 августда рўйхатдан ўтган “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” номли 3-сон БҲМС асосида тартибга солинади

Ушбу стандартнинг мақсади молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг моддаларини ҳамда барча кичик тадбиркорлик субъектлар бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунда баён қилинган умумий қоидаларга мувофиқ равишда ҳисоботни тузиш ва тақдим этишлари учун бу молиявий натижаларни тасниф этишни баён қилиб беришдан иборат. Бу эса турли даврларга доир ҳисобот маълумотларини бошқа кичик тадбиркорлик субъектларнинг шунга ўхшаш ҳисоблари билан қиёслашни таъминлайди.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда қуйидагиларни очиқ бериш зарур:

- Савдо-сотикдан тушган соф тушум;
- Савдо-сотикнинг ялпи молиявий натижалари;
- Асосий фаолиятдан келадиган бошқа операцион даромадлари ва харажатлари;
- Асосий хўжалик фаолияти молиявий натижалари (фойда ёки зарар);
- Молиявий фаолиятга доир бошқа даромадлар ва харажатлар;
- Хўжалик умумий фаолиятининг молиявий натижаси;
- Фавқулодда фойда ва зарар;
- Фойда солиғи тўлангунга қадар умумий молиявий натижалар (фойдалар ёки зарарлар);
- Ҳисобот давридаги соф фойда (зарар).

“Молиявий натижалар тўғрисида”ги ҳисоботни тузишда, аввало, “Молиявий натижалар тўғрисида” ҳисобот номли 3-сон БҲМСдан кенг фойдаланиш лозим. Ушбу андоза кичик тадбиркорлик субъектлари учун молиявий ҳисоботнинг 2-шаклини тузиш ҳамда тўлдириш қоидаларини белгилаб беради.

“Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот”ни тузишда ҳисоб баҳолардаги ўзгаришларга муҳим эътибор қаратиш лозим. Қуйидаги ҳолларда ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришларнинг натижалари соф даромад ва зарарни аниқлашга киритилади:

- ҳисобот давридаги соф даромад ва зарарни аниқлашга (агар бу ўзгаришлар фақат мазкур даврга таъсир этган бўлса);

- ўзгаришлар юз берган давр ҳисоботида ва бу ўзгаришлар таъсир қилган шундан кейинги ҳисобот даврларига.

Шунингдек, молиявий ҳисоботнинг 2-шаклини тўлғазишда жиддий ҳатолар мавжуд бўлишини ҳам инобатга олиш керак. Жиддий ҳатолар – жорий даврда аниқланган ҳатолар бўлиб, улар шу қадар муҳим бўладики, олдинги даврлар учун тузилган молиявий ҳисоботлар ишончли деб ҳисобланмаслиги мумкин. Олдинги даврлардаги молиявий ҳисоботларни тайёрлаш чоғида йўл қўйилган ҳатоларга киритилган тузатиш миқдори (қиймати) ҳисобот давридаги соф даромад ёки зарарга қўшилади. Олдинги даврда йўл қўйилган муҳим ҳатоларни тўғрилаш миқдори йил бошигача тақсимланмаган фойда сальдосини ўзгартириш йўли билан ҳисоботда акс эттирилади ҳамда ўтган йилнинг шу даврига оид маълумотлар ўзгартирилади, агар ҳатолар арзимайдиган даражада бўлса, улар истисно қилинади.

Кичик тадбиркорлик субъекти ўзгартиш киритилаётганда бир вақтнинг ўзида қуйидаги ахборотни очиб бериши лозим:

1) муҳим ҳатонинг моҳияти;

2) жорий даврдаги даромад ёки зарар деб эътироф этилган ўзгартиш миқдори;

3) қўшимча маълумотлар тақдим этилган ҳар бир даврга оид ўзгартишлар миқдори ҳамда шу даврдан олдинги даврларга оид қўшимча маълумотларга киритилган даврларга тааллуқли ўзгаришлар миқдори. Агар амалда қўшимча маълумотлар келтириш қўлланилмаса, у ҳолда бунинг сабаблари очиб берилиши керак.

Баъзи ҳолларда ҳисобот тузилгандан кейин ҳам унга ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Ҳисоб сиёсатидаги ўзгартишлар белгиланган тартибда кўзда тўтилган ҳоллардагина ёки ўзгартишлар кичик тадбиркорликсубъектнинг молиявий ҳисоботларида ахборотни янада ишончлироқ тақдим этишга кўмаклашсагина кўрсатилиши мумкин. Ҳисоб сиёсатидаги ўзгартишлар натижасида юз берган ўзгаришлар миқдори йил бошидаги тақсимланмаган фойда сальдосини ўзгартириш йўли билан бухгалтерия балансига ёзиб қўйилиши ҳамда ҳисобот давридаги соф даромад ёки зарарни аниқлашга киритилиши лозим.

Ҳисоб сиёсатидаги ўзгартишлар молиявий ҳисоботни тақдим этишнинг олдинги даврига нисбатан ҳисобот даврига муҳим таъсир ўтказса ёки келгуси ҳисобот даврларига таъсир ўтказадиган бўлса, кичик тадбиркорликсубъект тушунтиришларда қуйидаги ахборотни очиб бериши лозим.

- ўзгартишлар сабаблари;

-ҳисобот давридаги ва тақдим этилган олдинги даврлардаги тузатишлар миқдори;

- жорий даврдаги соф даромад ёки зарарда ҳисобга олинган тузатиш миқдори;

-киёсий маълумотларга киритилган ҳисобот даврдан олдинги даврларга оид тузатишлар миқдори;

-қўшимча маълумотлар келтирилган ҳар бир ҳисобот даврига киритилган тузатишлар миқдори, молиявий ҳисоботларга киритилган даврлардан олдинги даврлар билан боғлиқ тузатишлар миқдори. Агар қиёсий ахборот киритилган бўлса ёки қўшимча маълумот тақдим этиш

мумкин бўлмаса, бу ҳолат ҳам очиб берилиши керак;

-қайта ҳисобланган қиёсий маълумотлар ёки уларни қайта ҳисоблаш мақсадга мувофиқ эмаслиги сабаблари.

“Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот”ни тўлғазиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 7 февралдаги 31-сонли “Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича кўрсатмалар” Йўриқнома асосида тўлдирилади.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот ушбу йўриқномага биноан қуйидагича тўлдирилади:

Ҳозирги кунда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни тўлдиришда кўпгина камчиликлар мавжуд. Бизнинг фикримизча, ҳозирги талаблардан келиб чиққан ҳолда фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисоботда камида тўртта кўрсаткич келтирилиши лозим: ялпи фойда, бошқа муомалалардан кўрилган фойда, солиқ чиқариб ташлангунга қадар бўлган фойда, солиқ тўлангандан кейинги соф фойда, бундан ташқари реализация ҳажми, реализация қилинган маҳсулот таннари, фоизлар бўйича тушумлар ва инвестициялардан кўрилган даромадлар, чет эл валютаси операциялари бўйича кўрилган фойда ва зарарлар каби маълумотлар ҳам ҳисобга олиниши керак.

21-сон бухгалтерия ҳисоби миллий стандартига асосан янги ҳисобварақлар режаси тавсия қилинди. Бу ҳисобварақлар режасининг афзаллиги шундаки, кичик тадбиркорлик субъектларининг юқоридаги зикр қилинган низомда кўрсатилганидек кичик тадбиркорлик субъектлари тўртта фаолиятидаги даромад ва харажат, фойда ва зарарлари №2 “Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот” шакли талаблари асосида ҳисобга олиш учун имконият яратади. Бизнингча, янги ҳисобварақлар режасига асосан 4600, 4700, 4800 ҳисобварақлар ўрнига 9010 “Тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар”, ҳисобварағи кредитидан фойдаланилади ва даромадлар ҳар бир маҳсулот тури бўйича акс эттирилади. Уларнинг таннари 9110 “Сотилган тайёр маҳсулот таннари”

ҳисобварақда акс эттирилади. Бошқа активларни сотиш эса, 9020 “Товарларни сотишдан олинган даромадлар”, 9030 “Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар” ҳисобварақлари қўлланилса, мақсадга мувофиқдир. Бошқа активларни сотиш 9310, 9320, 9330, 9340 ҳисобварақларда ҳисобга олинади.

Натижаларни таққословчи ҳисобварақ сифатида 9900 “Яқуний молиявий натижани ҳисобга олувчи счётлар” ҳисобварақ қўлланади. Тақсимланмаган фойда 8710, 8720 ҳисобварақларда акс эттирилади. Харидор ва буюртмачиларга маҳсулотлар учун ҳисобварақлар берилганда 9010, 9020, 9030 ҳисобварақлар кредитланади.

Сотишдан пул келиб тушадиган бўлса, 5110, 5210 ҳисобварақлар дебетланиб, 9010, 9020, 9030 ҳисобварақлар кредитланади. Йил охирида мазкур ҳисобварақ дебетланиб, қолдиқ суммага 9900 “Яқуний молиявий натижани ҳисобга олувчи счётлар” ҳисобварақ кредитланади ва ҳисобварақ ёпилади.

Кичик тадбиркорлик субъектларининг молиявий натижаларини яқунини ҳисобга олиш учун яқуний молиявий натижалар ҳисобварағида ҳар бир фаолиятдан олинган фойда ёки зарар бўйича ҳисобварақлар очишни таклиф қиламиз. Бу ҳисобварақлар бўйича натижалар ҳисобот оyi охирида умумлаштирилади. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот тузишда, аввало, №3-сонли бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларига катта эътибор бериши лозим, чунки ушбу стандартнинг мақсади ҳам умумий принциплар асосида хўжалик субъектлари томонидан молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот моддаларини ёритиш ва уларни классификациялаш, тўлдириш ва тақдим этишдир.

Бизнинг фикримизча, молиявий ҳисоботни тузиш вақтида, қайсики унинг таркибига баланс ва фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот киради. Уларга қилинадиган иловалар эса янги ҳисобварақлар режасига мослаштириб тузилиши лозим.

III БОБ. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТИНИ ТАҚДИМ ЭТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

3.1. Молиявий ҳисоботлар элементларини баҳолаш ва уни такомиллаштириш

Молиявий ҳисоботлар молиявий натижаларни ва бошқа хўжалик операцияларини акс эттиради, уларни молиявий ҳисоботларнинг элементлари деб аталувчи иқтисодий тавсифларига мувофиқ алоҳида моддаларга гуруҳлайди. Активлар, хусусий сармоя ва мажбуриятлар бухгалтерия балансида хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий натижаларини аниқлаш билан бевосита боғлиқ бўлган элементларидир. Даромадлар ва харажатлар фаолият натижалари тўғрисидаги ҳисоботда хўжалик юритувчи субъектнинг кўрсаткичларини аниқлаш билан бевосита боғлиқ бўлган элементларидир. Пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот фаолият натижалари ва бухгалтерия баланси элементларидаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботнинг элементларидир.

Молиявий ҳисобот элементлари куйидагилар:¹⁶

- Активлар;
- Мажбуриятлар;
- Хусусий сармоя;
- Захиралар;
- Даромадлар;
- Харажатлар;
- Молиявий натижалар.

Активлар, мажбуриятлар, хусусий сармоя, резервлар, даромадлар ва харажатлар молиявий ҳолатни аниқлаш билан бевосита боғлиқ элементлардир. Улар куйидаги тарзда аниқланади: Активлар – субъект назорат қиладиган, келгусида улардан даромад олиш мақсадида аввалги

¹⁶00-сон БХМС. “Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос” 26.07.1998 й. 36-банди

фаолият натижасида олинган иқтисодий ресурслардир.

Мажбуриятлар – шахснинг (қарздорнинг) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ишни амалга ошириш, масалан, мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, пул тўлаш ва бошқа мажбуриятларидир ёхуд муайян хатти-ҳаракатдан тийилиб туриш мажбуриятидир, кредитор эса қарздордан ўз мажбуриятларини бажаришини талаб қилишга ҳақлидир.

Хусусий сармоя – субъектнинг мажбуриятларни чегириб ташлагандан кейинги активларидир. Хусусий сармоя устав, қўшилган, захиралар сармоядан ва тақсимланмаган фойдадан иборатдир, зарур ҳолларда устав, қўшилган, захиралар сармоя таҳлилий жиҳатдан ҳисобга олинади. Бухгалтерия балансидаги хусусий сармоянинг миқдори активлар қийматини ва мажбуриятларни баҳолашга боғлиқдир

Захиралар – келгусида муайян харажатларга сарфланиши мумкин бўлган хусусий сармоянинг бир қисмидир. Хўжалик юритувчи субъектни ва кредиторларни зарарларнинг оқибатларидан қўшимча тарзда ҳимоя қилишни таъминлаш учун захираларни вужудга келтириш зарур. Захираларни ҳосил қилиш ва уларнинг миқдори ҳақидаги ахборот қарорлар қабул қилишда фойдаланувчилар учун аҳамиятлидир. Захираларни вужудга келтириш хўжалик юритувчи субъектга доир қонунчиликда ва уставда (солиқ қонунларини бузмаган ҳолда) кўзда тутилади.

Даромадлар – ҳисобот даврида активларнинг кўпайиши ёхуд мажбуриятларнинг камайишидир. Ялпи даромад хўжалик юритувчи субъектнинг асосий ва асосий бўлмаган фаолиятидан олинган даромадларни ўз ичига олади. Асосий фаолиятдан даромад маҳсулот, ишлар, хизматлар, товар-моддий захиралар, бошқа активларни сотишдан, шунингдек мукофотлар, фоизлар ва дивидендлар, гонорарлар ва хўжалик юритувчи субъектнинг асосий фаолиятига боғлиқ бўлган рентадан олиниши мумкин.

Кичик тадбиркорлик субъектда асосий бўлмаган фаолият натижасида оладиган даромадлар даромадни аниқлашга мос келадиган моддаларни ўз ичига олади ва концептуал асоснинг алоҳида таркибий қисмлари деб ҳисобланмайди. Биржада муомалада бўладиган қимматли қоғозларни қайта баҳолаш ва бошқалар асосий бўлмаган фаолият натижасида пайдо бўладиган даромадларга мисол бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бундай даромадлар, агар молиявий натижалар ҳақидаги ҳисоботда эътироф этилса, алоҳида кўрсатилади, чунки иқтисодий қарорларни қабул қилишда улар ҳақидаги ахборот фойдали бўлиши мумкин. Солиққа тортиладиган даромад (зарар) - солиқ қонунларига мувофиқ белгиланган ҳисобот давридаги даромад (зарар) суммасидир.

Харажатлар – ҳисобот даврида активларнинг камайиши ёхуд мажбуриятларнинг кўпайишидир. Харажатларни белгилаш мулкни, ишлаб чиқаришни бошқариш билан ҳамда маҳсулот сотиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ва зарарлар билан боғлиқ. харажатларни ўз ичига олади. Улар одатда пул маблағлари, моддий захиралар, иншоотлар, ускуналар ва бошқалар сингари активларнинг чиқиши ёки улардан фойдаланилиши шаклида бўлади. Зарарлар иқтисодий фойданинг камайганлигини билдиради ва ўз табиатига кўра бошқа харажатлардан фарқ қилмайди ва концептуал асоснинг алоҳида қисми деб ҳисобланмайди. Зарарлар бошқа активларни сотишда ёки табиий офатлар натижасида юзага келиши мумкин. Бундай зарарлар молиявий натижалар ҳақидаги ҳисоботда кўрсатиладиган бўлса, улар ҳақидаги ахборот иқтисодий қарорларни қабул қилишда фойдали бўлиши мумкин ва шунинг учун ҳам улар алоҳида кўрсатилади

Молиявий натижалар – хўжалик юритувчи субъектнинг фойда ёки зарар шаклида ифодаланган фаолиятининг пировард иқтисодий якунидир. Даромадлар ва харажатлар молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган ахборотни тақдим этиш мақсадида фаолият турларини чегаралаш йўли билан кўрсатилиши

мумкин. Масалан, хўжалик юритувчи субъектнинг одатдаги фаолияти давомида ва фаолият жараёнидаги фавқулодда ҳолатларда юзага келадиган даромадлар ва харажатларнинг моддалари ўртасидаги чегара умумий қабул қилинган амалиётдир. Бундай чегаралаш хўжалик юритувчи субъектнинг келгусида пул маблағларини кўпайтириш қобилиятига баҳо беришда аҳамиятли бўлган моддаларнинг манбалари асосида ўтказилади. Моддаларни чегаралашда хўжалик юритувчи субъектнинг табиати ва унинг фаолияти билан ҳисоблашиш керак. Битта хўжалик юритувчи субъектнинг одатдаги фаолияти натижасида пайдо бўладиган моддалар бошқаларига қараганда фавқулодда бўлиши мумкин.

Даромадлар ва харажатларнинг моддалари ўртасидаги чегара ҳамда уларнинг ҳар хил комбинациялари ҳам хўжалик юритувчи субъектнинг иш натижаларини кўрсатиш имкониятини беради. Бундай бўлимлар ҳар хил моддаларни ўз ичига олади. Масалан, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот солиққа тортилишгача ва ундан кейинги молиявий-хўжалик фаолиятидан олинган даромадни кўрсатади.

Омонат эгаларининг хусусий сармоёга улушлари даромад ҳисобланмайди; хусусий сармоённинг эгалари ўртасида тақсимланиши харажат ҳисобланмайди. Даромадлар ва харажатларни аниқлаш уларнинг асосий фарқ қилувчи жиҳатларини очиқ беради, лекин уларни молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда эътироф этишдан олдин жавоб бериши лозим бўлган мезонларни аниқлаштирамайди.

Баҳолаш – активлар ва мажбуриятлар эътироф этиладиган ва молиявий ҳисоботларда қайд этиладиган пул ўлчовининг усулидир.

Молиявий ҳисоботларда баҳолашнинг қуйидаги усулларидан фойдаланилади:

Бошланғич қиймат. Активлар сотиб олти вақтида эришилган томонларнинг ўзаро келишувига кўра белгиланган жорий қиймати бўйича акс эттирилади. Мажбуриятлар мажбуриятни бажаргунга қадар

тўланадиган пул маблағлари суммаси бўйича мажбуриятларга алмашиб олинган маблағлар суммасида акс эттирилади.

2-жадвал

Молиявий ҳисобот элементлари

<p>Баланс ҳисоботи элементлари</p> <p>1. Активлар – бу утган хўжалик муомалалари ва ҳодисалари натижасида хўжалик субъекти томонидан назорат қилинадиган иқтисодий ресурслар булиб, улар келажакда фойда келтириши эҳтимолига эга.</p>	<p>Хўжалик муомалаларининг хусусиятлари:</p> <p>1. Актив сифатида кўриб чиқиладиган ресурслар қуйидагиларга мос булиши шарт:</p> <p>а) Келгусида иқтисодий фойда келтириши керак.</p> <p>б) Назорат қилиниши керак. Эгалик ҳуқуқига асосан хўжалик субъектига тегишли бўлиши керак.</p> <p>в) Олдинги хўжалик муомалаларини натижалари бўлиши керак (яни жорий вақтда захиралар сифатида ҳақиқатдан ҳам мавжуд бўлишлари керак, ёки ишлаб чиқаришда, яратишда ёки йўлда бўлишлари керак).</p>
<p>2.Мажбуриятлар - бу хўжалик субъектининг ўтган хўжалик муомалалари ва ҳодисаларни амалга ошириш натижасидаги мажбуриятлар бўлиб, уларни ҳисоб-китоб қилиш активларнинг топширилиши ёки ишлатилишига, хизматларнинг кўрсатилиши, ёки бошқа келгуси иқтисодий фойданинг камайишига олиб келиши мумкин.</p>	<p>1. Кўриб чиқиладиган мажбуриятлар қуйидагиларга мос бўлишлари шарт:</p> <p>а. Келгусида иқтисодий фойда келтириши керак бўлган активларни шикости керак.</p> <p>б. Муқаррар бўлишлари керак.</p> <p>в. Олдинги хўжалик муомалардан келиб чиқишлари керак.</p>
<p>3. Акционерлик капитали/соф активлар – бу мажбуриятлар чиқариб ташлангандан кейинги хўжалик субъектининг активлардаги эгалик улушидир.</p>	<p>3. Ҳисоботдаги активлардан мажбуриятларни чиқарилгандан кейинги қолдиқ улушини ташкил қилади.</p>
<p>Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот элементлари:</p> <p>4. Даромадлар – бу субъектнинг хўжалик фаолиятини натижасида, одатда, ижара ҳақи, фоизлар, лицензия тўловлари ва дивидендлар шаклида даромад келтирадиган фаолият, яъни товарларнинг сотилиши, хизматларнинг кўрсатилиши ёки бошқа шахсларнинг хўжалик субъектларининг ресурсларидан фойдаланиши натижасида активларнинг келиб тушиши ёки мажбуриятларнинг камайиши орқали рўй берадиган иқтисодий ресурсларнинг кўпайишидир.</p>	<p>4. Хўжалик муомалалардан олинадиган даромаднинг икки муҳим хусусияти:</p> <p>а. Тасодифий ёки инвестицион хўжалик муомалалари натижасида эмас балким даромад олишга қаратилган корхонанинг асосий фаолияти натижасидаги хўжалик муомалаларидан олинадиган даромад.</p> <p>б. Даромад олиш бўйича асосий фаолият такрорланадиган ва узлуксиз жараёндир.</p>
<p>5. Харажатлар – бу фойдани кўпайтириш мақсадида хўжалик фаолиятдан келиб чиқадиган активларнинг камайиши ёки мажбуриятларни ўз зиммасига олиш орқали рўй берадиган иқтисодий ресурсларнинг камайишидир.</p>	<p>5. Харажатларнинг муҳим хусусияти шундаки, улар компаниянинг даромад олиши жараёни билан бир вақтда амалга оширилиши керак.</p>
<p>6.Фойда – бу хўжалик субъектига таъсир этадиган асосий ва асосий бўлмаган фаолият, ҳодисалар, шароитлар натижасида капиталнинг кўпайиши бўлиб. Хусусий капиталга тўланадиган бадаллар бундан мустаснодир.</p>	<p>6. Хўжалик муомалаларининг хусусияти шунга шубҳа туғдирмаслиги керакки, бу: (1) асосий фаолиятдан даромад олиш бўйича хўжалик муомалалари ва (2) устав капиталига қилинадиган бадаллар бўйича хўжалик муомаласидир.</p>
<p>7.Заралар – бу асосий фаолият ва барча бошқа хўжалик муомалалари, ҳодисалар, шароитлар натижасида хусусий капиталнинг камайиши булиб, харажатлар ёки хусусий капиталнинг тақсимланиши натижасидаги камайиш бундан мустаснодир.</p>	<p>7. Хўжалик муомалаларининг хусусияти шунга шубҳа туғдирмаслиги керакки, бу: (1) чиқимлар бўйича хўжалик муомалалари ва (2) капитални тақсимлаш бўйича хўжалик муомаласидир.</p>

Жорий қиймат. Активлар ана шу ёки шунга ўхшаш актив эндигина сотиб олинган бўлгандаги ҳолатда тўланиши керак бўлган пул маблағлари суммаси бўйича ҳисоботда акс эттирилади. Мажбуриятлар мажбуриятни

тўлаш учун талаб этиладиган пул маблағларининг дисконтланмаган суммасида акс этирилади.

Сотиш қиймати. Активлар сотишдан олинishi мумкин бўлган пул маблағлари суммаси бўйича акс этирилади. Мажбуриятлар уларни тўлаш қиймати бўйича акс этирилади, бундай қиймат эса мажбуриятларни тўлаш учун талаб этиладиган пул маблағларининг дисконтланмаган суммасидир.

Дисконтланган қиймат. Активлар хўжалик юритувчи субъектнинг олдин фаолияти давомида активларни кўпайтириши лозим бўлган бўлғуси пул маблағлари тушумининг дисконтланган қиймати бўлган жорий қиймат бўйича акс этирилади.

Мажбуриятлар келгусида ўтказиладиган пул маблағларининг дисконтланган қийматидан иборат бўлган, хўжалик юритувчи субъектнинг оддий фаолияти давомида мажбуриятларни тўлаш учун фойдаланилиши мумкин бўлган жорий қиймат бўйича акс этирилади.

Баланс қиймати – ҳисобот санасида бухгалтерия балансида активлар ва мажбуриятларни акс этириш қийматидир.

Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботларни тайёрлашда бошланғич қийматни баҳолаш учун асос қилиб оладилар. Ундан одатда баҳолашнинг бошқа асосий тушунчалари билан биргаликда фойдаланилади.

Ушбу БҲМС хўжалик юритувчи субъектнинг турли ҳисобот даврларидаги молиявий ҳисоботлари, шунингдек турли хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботлари қиёсланишини таъминлаш мақсадида кичик тадбиркорлик субъекти молиявий ҳисоботини шакллантириш ва тузиш учун асосларни белгилаб беради.

Бу мақсадга эришиш учун мазкур стандартда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисоботида асос бўладиган концепциялар ҳамда молиявий ҳисоботнинг мазмунига энг кам миқдордаги талаблар кўзда тутилган.

Айрим операциялар ва воқеаларни акс эттириш, уларни ўлчаш ва очиб бериш учун батафсил талаблар бошқа БҲМСларда баён қилинади.

Мазкур стандарт молиявий ҳисоботдан ташқари тақдим этилиши лозим бўлган ахборотларга талабларни баён қилмайди. Масалан, хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботга қўшимча ахборот сифатида молиявий шарҳларни тақдим этишлари мумкин.

Молиявий ҳисобот кичик тадбиркорлик субъекти алоҳида мустақил хўжалик юритувчи субъектлиги ёки хўжалик юритувчи субъектларнинг жамланган гуруҳига киришидан қатъи назар шу хўжалик юритувчи субъектнинг маълум бир даврдаги фаолиятини кўрсатувчи молиявий ахборотни тақдим этиш усулидир.

Хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий аҳволи, унинг фаолияти кўрсаткичлари тўғрисида ҳамда пул маблағларининг ҳаракати ҳақида иқтисодий қарорлар қабул қилиш учун фойдаланувчилар кенг доирасига зарур бўлган ахборотни тақдим этиш молиявий ҳисоботлар мақсади ҳисобланади.

Молиявий ҳисоботлар, шунингдек хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарияти томонидан ресурсларни бошқариш натижаларини кўрсатади.

Ушбу стандарт мақсадига эришиш учун молиявий ҳисоботларда улардан фойдаланувчиларга пул маблағлари ҳаракати истиқболлини белгилашда, хусусан пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари шаклланиши муддатлари ҳамда эҳтимоллигини белгилашда ёрдам берадиган қуйидаги ахборотлар бўлиши керак:

Кичик тадбиркорлик субъекти назорати остидаги активлар тўғрисида (нақд пул маблағи тушумларининг ёки бошқа иқтисодий манфаатларнинг манбаи бўлган активлар тўғрисида);

Хўжалик юритувчи субъектнинг (пул маблағларининг эҳтимол тутилган камайиши ёки бошқа иқтисодий манфаат манбалари бўлган) мажбуриятлари тўғрисида;

Хўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодий ресурсларига (субъект эгаларининг бадаллари ва мулк эгаларига тўловлардан ташқари) ўзгартиш киритадиган тақсимланмаган фойда тўғрисида;

Пул маблағининг ҳаракати тўғрисида (келгусида пул оқимларининг эҳтимол тутилган ҳаракати кўрсаткичлари сифатида).

Бундан ахборот хўжалик юритувчи субъектнинг дивидендлар ва фоизларни тўлаш, шунингдек мажбуриятлар бўйича ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш имкониятларини баҳолаш учун молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар учун зарур бўлади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари ҳисоб сиёсати қонунларга мос бўлиши учун, шунингдек хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботини тайёрлаш ва тақдим этиш учун жавобгардир.

Турли хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг кўп қирралилиги ҳисобга олинади, молиявий ҳисоботлар улардан фойдаланувчиларни иқтисодий қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган барча ахборот билан таъминлай олмайди, шу сабабли йиллик молиявий ҳисоботларга қўшимча равишда маъмурият томонидан тузиладиган молиявий шарҳ киритилади, унда кичик тадбиркорлик субъекти молиявий фаолияти ва молиявий ҳолатининг асосий белгилари тушунтириб берилади ва улар дуч келаётган асосий ноаниқликлар баён қилинади.

Бу шарҳда хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти натижаларига, фаолияти қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш учун инвестиция сиёсати, жумладан жорий даврда, хусусан келгуси даврларда дивидендлар сиёсати таъсир қилувчи асосий омиллар очиқ берилади, яъни:

хўжалик юритувчи субъектни молиялаш манбалари ва хатарларни бошқариш;

кичик тадбиркорлик субъекти ишлаб турган ташқи муҳитдаги ўзгаришлар ва шу ўзгаришлар муносабати билан кўрилган чора-тадбирлар ҳамда уларнинг субъект фаолиятига таъсири;

молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар қарор қабул қилиши учун бошқа муҳим ахборотлар.

Қўшимча ахборотни тақдим этиш – тушунтиришлар, изоҳлар ва ҳисоб-китоблар кичик тадбиркорлик субъекти томонидан махсус шаклда ёки эркин шаклда тақдим этилади.

Агар ахборотнинг тушириб қолдирилиши ёки нотўғри кўрсатилиши ахборотдан фойдаланувчиларнинг молиявий ҳисобот асосида қабул қиладиган иқтисодий қарорларига таъсир қилса, бундан ахборот муҳим ҳисобланади.

Молиявий ҳисоботларда характери ва вазифалари жиҳатидан ўхшаш бўлган ва алоҳида кўрсатилиши мумкин бўлмаган миқдорлар билан умумлаштирилиши лозим бўлган миқдорлар бир моддада акс эттирилади.

Бироқ, алоҳида ўзини олганда ҳам, бошқаларга кўшганда ҳам муҳим ҳисобланган ахборот ўзга ахборот билан тўла умумлаштирилмаслиги лозим. Шу муносабат билан, агар ахборотнинг очиб берилмаслиги ҳисоботдан фойдаланувчилар молиявий ҳисобот асосида қабул қиладиган иқтисодий қарорларига таъсир қилиши мумкин бўлса, бундай ахборот муҳим ҳисобланади.

Муҳимлик уни тушириб қолдиришнинг алоҳида аниқ шарҳларида кўриб чиқиладиган модданинг ҳажмига боғлиқ бўлади.

Молиявий ҳисобот характери ва вазифалари жиҳатидан гуруҳларга бирлаштирилган хўжалик операцияларини ишлаб чиқиш натижасидир. Молиявий ҳисоботларда ёки модда тарзида тушунтиришларда акс эттириладиган, тасниф этилган қисқа кўринишдаги ахборот мазкур жараённинг яқунловчи босқичи ҳисобланади.

Молиявий ҳисоботда айрим кўрсаткичларни ажратиб кўрсатиш ёки уларни бошқа кўрсаткичлар билан бир моддага бирлаштириш ҳам муҳимдир. Шу сабабли агар активлар ёки пассивларнинг, даромадлар ёки харажатларнинг айрим моддалари муҳим бўлмаса, бундай ҳолларда модда ёки моддалар жамининг характери ва ҳажми бир вақтнинг ўзида

баҳоланади. Вазиятга қараб модданинг характери ёки ҳажми белгиловчи омил бўлиб хизмат қилади.

Агар дастлабки ахборот муҳим бўлмаса, БҲМСда келтирилган бундай ахборотларни очиб кўрсатиш талабларини бажаришга ҳожат бўлмайди. Бироқ умумий фойдаланишга мўлжалланган молиявий ҳисоботларда муҳим ахборот бошқа муҳим ахборот билан бир моддада бирлаштирилган бўлса, молиявий ҳисоботга тушунтиришларда бу ахборотни очиб кўрсатиш зарур.

Муҳимлик молиявий ҳисоботда келтирилган тушунарлилик ва аниқлик даражаси билан боғлиқ. Ахборотни минг ёки миллионгача яхлитлаштириш чоғида муҳимлик тамойили бузилмаган пайтгача аниқлик даражасидан фойдаланишга йўл қўйилади.

Молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар хўжалик юритувчи субъектнинг турли ҳисобот даврларидаги молиявий ҳисоботларини унинг молиявий аҳволидаги ўзгаришлар тамойилларини аниқлаш учун қиёслаш имкониятига эга бўлишлари керак.

Кичик тадбиркорлик субъекти операциялари характеридаги муҳим ўзгаришлар ёки ҳисоботни тақдим этиш шаклини таҳлил қилиш ҳисоботни тақдим этиш шаклини ўзгартириш мақсадга мувофиқлигидан далолат бермаса, молиявий ҳисобот моддаларини тақдим қилиш ва тасниф этиш сақланиб қолиши керак.

Ахборот ўз вақтида берилган тақдирдагина у фойдали бўлади. Агар молиявий ҳисоботлар ундан фойдаланувчилар тасарруфига тузилган вақтдан кейин оқилона вақт ичида тақдим этилмаса, унинг фойдаси қолмайди. Ҳисобот ахборотлари асоссиз равишда ушлаб қолинса, у ўз аҳамиятини йўқотиши мумкин. Кичик тадбиркорлик субъекти ушбу БҲМСнинг 62-63-бандларига кўрсатилган муддатларда молиявий ҳисоботни тузишга қодир бўлиши керак. Ҳеч қандай омиллар, ҳатто хўжалик юритувчи субъектнинг операциялари мураккаблиги ҳам ҳисоботни вақтида тақдим этмасликка сабаб бўлмаслиги керак.

Молиявий ҳисобот “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ тарзда эълон қилиниши керак.

Агар ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш унинг ҳамма жиҳатлари маълум бўлган пайтгача кечиктириладиган бўлса, энг ишончли ахборот ҳам кам фойда беради, чунки ҳисоботдан фойдаланувчилар бу ахборотни олмай туриб, қарор қабул қилишга мажбур бўлади. Аҳамиятлилик ва ишончлилик ўртасида мувозанатга эришиш мақсадида иқтисодий қарорларни қабул қилиш чоғида ҳисоботдан фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини қандай қилиб яхшироқ қондиришни ҳал этиш керак.

Молиявий ҳисобот субъектнинг молиявий аҳволини, унинг фаолияти молиявий натижаларини ва пул маблағларининг ҳаракатини ҳолисона кўрсатиши лозим.

Ҳолислик тамойилига эришиш учун ҳар бир кичик тадбиркорлик субъекти бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тузиш чоғида БҲМС ва бухгалтерия ҳисоби асосий тамойилларини қўлланишга мажбурдир.

Фаолиятнинг хилма-хил турлари бўйича янгиликларни жорий этишнинг тезлиги шундай операциялар ва вазиятларга олиб келиши мумкинки, бундай операциялар ва вазиятлар бўйича БҲМС ҳали ишлаб чиқилмаган. Бундай ҳолатларда молиявий ҳисоботнинг ҳолислигига ҳисоб сиёсатини танлаш ва қўлланиш йўли билан эришилади. Бундай сиёсат кичик тадбиркорлик субъекти томонидан ушбу стандартга мувофиқ равишда мустақил ишлаб чиқилиши лозим.

Ҳисоботнинг фойдалилик даражасини ошириш мақсадида у жамғарилиш принципи асосида тузилади. Бундай ҳолда жараёнлар юз берган пайтда нақд пулларнинг ҳаракатидан қатъий назар бухгалтерия ҳисобида қайд қилинади ва улар тегишли бўлган давр молиявий ҳисоботида ўз ифодасини топади. Жамғариш принципига асосланиб тузилган молиявий ҳисобот ахборот фойдаланувчиларга нафақат бажарилган битимлар бўйича тўловларни амалга оширишни талаб этувчи

ва пул маблағларини олишни таъминловчи, балки келгуси тўлаш керак бўлган пул маблағлари ва олиниши лозим бойликлардан иборат мажбуриятларни ифодаловчи ахборотларни ҳам беради. Ҳисобот тузишда корхона ўз фаолиятини тугатиш ёки жиддий қисқартириш нияти йўқ, деб ҳисобланади. Агарда, шундай ният ёки зарурият мавжуд бўлса, молиявий ҳисобот бошқача асосда тузилади.

БМТнинг ҳукуматлараро ишчи эксперт гуруҳи томонидан тайёрланган «Молиявий ведомостлар асосида ётадиган мақсадлар ва концепциялар» номли ҳужжатида молиявий ҳисоботларда акс эттирилган молиявий ахборотларнинг асосий сифат тавсифлари келтирилган: тушунарлилиги, қулайлиги, ишончлилиги ва таккосланишлиги.

3-жадвал

АҚШда ва Ўзбекистонда тузиладиган молиявий ҳисобот таркиби¹⁷

Халқаро амалиётда	Ўзбекистонда
Баланс ҳисоботи (Balance Sheet)	Бухгалтерия баланси – 1-шакл
Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот (Income Statement)	Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот – 2- шакл
Пул оқими тўғрисида ҳисобот (Cash flow statement)	Пул оқими тўғрисида ҳисобот – 4-шакл
	Хусусий капитал тўғрисида ҳисобот – 5- шакл

Баланс ҳисоботи компаниянинг маълум барча санадаги молиявий ҳолатини тавсифлайди. Унда компаниянинг активлари, мажбуриятлари ва капиталининг ҳолатини акс эттирувчи маълумотлар кўрсатилади. Баланс ҳисоботини тузишга асос бўлиб текшириш баланси ҳисобланади. Текшириш баланси - бу ҳисоблар қолдигининг дебет ёки кредитга тааллуқлигини аниқлаш рўйхатидир. Текшириш баланси ёрдамида

¹⁷ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

ҳисобларнинг дебетига ёзилган жами суммани кредитга ёзилган жами суммага тенглиги назорат қилинади.

3.2. Кичик тадбиркорлик субъектларида молиявий ҳисоботларни юритишда инфор­мацион технологияларни қўллаш истиқболлари

Кичик тадбиркорлик субъектларида ҳисоб ишларининг самарадорлигини ошириш ҳамда вақтни тежаш мақсадида бухгалтерия ҳисобининг замонавий шакли – инфор­мацион технологиялари асосида ҳаётга тадбиқ этиб келинмоқда. Ушбу шаклнинг бир қанча афзаллик томонлари бор:

-бухгалтерия ҳисоби ҳужжатларидаги маълумотларни қайта ишлашни тезлаштириш;

-иқтисодий маълумотларни қайта ишлашни банд бўлган ходимлар сонини қисқартиради ҳамда меҳнат унумдорлигини оширади;

-ҳисоб ишларида аниқлик ва изчилликни таъминлайди;

-ҳисоб ишларини юритиш билан боғлиқ харажатларни камайтиради.

Электрон ҳисоблаш машиналари ҳозирги вақтда ҳисоб-китоб ишларини амалга оширишда қўлланилиши билан бирга ҳисоб маълумотларини йиғиш, уларни қайта ишлаш ҳисобот шаклларини тўлдириш ва бошқа бир қанча ҳисоб ишларини бажаришда кенг қўлланилмоқда. Амалиётда компьютерлардан кенг фойдаланиш бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишнинг янги усулларини вужудга келтирди.

Бухгалтерия вазифаларини ечишда инфор­мацион технологияларидан фойдаланишни ташкил этиш бирламчи бухгалтерия ҳужжатларини тузиш пайтидан бошлаб якуний молиявий ҳисоботни тузиш билан якунланувчи операцияларнинг йиғиндисидан иборатдир.

Ҳозирги босқичда бухгалтерия вазифаларини ахборот технологиялари асосида марказлаштирилган ҳолда ташкил қилиш куйидагиларни таъминлади:

-фойдаланувчининг иш жойида ўрнатилган компьютерлардан кўллаш, бу ерда вазифаларни ечиш ҳисобчи томонидан бевосита унинг иш жойида бажарилади;

-корхонанинг турли хилдаги бўлинмалари иқтисодий вазифаларини интеграцияланган ҳолда ишлаб чиқилишини таъминловчи маҳаллий ва кўп босқичли ҳисоблаш тармоқларини шакллантириш;

-ҳисоблаш техникасида бажариладиган бухгалтерия ҳисоблашлари таркибини анча кўпайтириш;

-хар хил бўлинмалар учун корхонанинг ягона тақсимланган маълумотлар базасини яратиш;

-бирламчи бухгалтерия ҳужжатларини машинада шакллантириш имкониятлари, бу қоғозсиз технологияларга ўтишни таъминлайди ва ҳужжатларни йиғиш ҳамда рўйхатга олиш бўйича операциялар меҳнатталаблиги даражасини камайтиради;

-бухгалтерия ҳисоби вазифалари мажмуаларини ечиш интеграциялаш;

-диалогли усулда амалга ошириш йўли билан ахборот хизмати кўрсатишни ташкил этиш имконияти.

Информацион тизимда бажариладиган технологик жараён учта босқичдан иборат:

1-босқич. Бу босқич бирламчи ҳисоб,бирламчи ҳужжатларни тузиш, уларни ишлаб чиқариш ва ҳисобнинг хар бир участкаси бўйича таҳлилий ҳисобнинг қайдномалари тузилиши бажарилади.

2-босқич. Бу босқич проводкаларни тузиш, уларн таҳлилий ва жамлама ҳисобнинг турли регистрлари, ҳисобварақларнинг тартиб рақамлари бўйича қайд дафтари ордерларига жойлаштиришдан иборат бўлади.

3-босқич. Бу босқич йиғма жамлама ҳисобни бош китобнинг ҳисобварақлари бўйича ҳисобот сальдо қайдномалари ва молиявий ҳисоботнинг шаклларини тузишдан иборат бўлади, бу “Проводка-бош

китоб китоб-баланс” машина дастурининг асосий модули томонидан таъминланади.

Ҳисоб вазифаларини ишлаб чиқиш технологияларини амалга оширишнинг муҳим элементи унинг дастурий таъминланиши бўлади. Компьютер дастурлари бозорида ҳар хил корхоналар, фирмалар, ташкилотлар учун мўлжалланган бухгалтерия дастурлари вариантларининг кўпгина турлари тақдим этилган. Дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқариш кўп сонли фирмалар томонидан олиб борилади, уларнинг энг машхурлари “1С: Бухгалтерия”, “Турбо-Бухгалтерия”, “Фалио”, “Парус”, “Хакерс-Дизайн” ва бошқалар.

Хориж ва мамлакатимизнинг ушбу соҳасига тегишли назарияси ва амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш шуни кўрсатдики, йирик корхоналарда бухгалтерия ҳисоби бошқарувининг уч даражали- бошқарув ҳисоби, молиявий ҳисоб ва солиқ ҳисоби бўйича ташкил этилади.

Бухгалтерия ҳисобини уч даражага – бошқарув ҳисоби, молиявий ҳисоб ва солиқ ҳисобига ажратилган ҳолда ташкил қилиш информацион технологияларни қўллашга ихтисослашган бухгалтерия ҳисоби шаклида самаралироқ бўлади. Чунки, амалда қўлланиладиган кўпгина компьютер дастулариди бошқарув ҳисоби, молиявий ҳисоб ва солиқ ҳисобининг ишлари алоҳида ташкил қилинади.

Бухгалтерия ҳисобининг информацион технологияларига асосланган шаклининг асосий хусусияти компьютер дастурлари асосида автоматлаштирилган тартибда ҳисоб регистрларини тузиш имконияти яратилганлигидадир. Бу регистрларда ҳисоб маълумотларини корхонани бошқариш, назорат ва бухгалтерия ҳисоботини белгиланган тартибда тузиш учун зарур бўлган аснода умумлаштириш, гуруҳлаш мумкин бўлади.

Бу шаклни амалиётга жорий қилиш орқали бухгалтерия ҳисоби маълумотларини қайта ишлаш жараёни янги босқичга кўтарилади. Бу жараён ҳисоб маълумотларини автоматик тарзда олиш ва уни қайта ишлаш

технологиясини ишлаб чиқишни ўз ичига олади. Бунга датлабки хужжатлар, уларни автоматлаштирилган қайта ишлашга мослаштириш, маълумотларни компьютерларда қайта ишлашга мослаштирилган хужжатнинг айланиши, ҳисоблаш техникаси ишлари дастурлари, маълумотларни автоматик равишда қайта ишлаш тартибини тавсифловчи технологик хариталар ва брқаларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Бугунги кунда яқиндагина Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаган Бухгалтерга Электрон Мадад (БЭМ) миллий дастурий таъминот ҳам ҳозирги кунда Республикамиз ҳудудидаги барча корхона,фирма ва ташкилотларга қўлласа бўладиган дастурдир. Унинг ҳам жуда кўпгина афзалликлари мавжуддир.

Ушбу дастурий таъминот ишончли ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан маъқулланган дастурдир. Ушбу бухгалтерга электрон мадад дастурий таъминотда дастурнинг асосий объектлари, бош меню, маълумономалар, хужжатлар, қолдиқларни киритиш, банк, касса, узоқ муддатли активлар ва товар-моддий захиралар ҳисобини юритиш, ишлаб чиқариш, савдо, кўрсатилган хизматлар, кадрлар бўлими, иш ҳақини ҳисоблаш, регламент, маълумотлар регистри ва ҳисоботлар каби дастурлар акс эттирилган.

Ҳисоботлар дастуридаги ҳисоботлар қуйидагиларга бўлинади:

1. Стандарт ҳисоботлар – бу белгиланган созлашлар орқали бухгалтерия ҳисоби счётлари бўйича таҳлилий ахборотларни олига мўлжалланган.

Буларга қуйидагилар киради:

- солиштирма далолатнома;
- айланма-сальдо қайдномаси;
- счётлар бўйича айланма-сальдо қайдномаси;
- бош дафтар;
- счёт карточкаси;
- ўтказмалар журнали;

-гаров, ижара шартномалари ва бошқалар.

2. Регламент ҳисоботлар – бу солиқ органларига тақдим этиладиган солиқ ва бухгалтерия ҳисоботлари ҳамда турли жамғармаларга бериш учун мўлжалланган ҳисоботлар. Ҳисоботни шаблон шаклида ва тўлдирилган ҳисобот кўринишида шакллантириш имконияти мавжуд. Бунга қуйидагилар киради:

-№ 1-шакл;

-№ 2-шакл;

-йўл жамғармасига ажратмалар;

-бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига ажратмалар;

-фойда, мол-мулк, ер, қўшилган қиймат солиқлари ва бошқалар.

3. Ҳисоботлар билан ишлашнинг умумий тамойиллари;

-“шакллантириш” тугмаси – мазкур тугмани босганда ҳисобот шаклланади;

-“созлаш” тугмаси – мазкур тугмани босганда ҳисоботни созлаш акс эттирилади (ёпилади);

-“таҳлил қилиш режими” тугмаси – ушбу тугмани босганда шаклланган ҳисобот компьютерда мавжуд бўлса, Microsoft Excel дастурига ўтади. Ҳисоботларнинг бир қисми да шарҳлаш имкониятлари мавжуд бўлиши мукин, яъни керакли ячейкани босганда экранда меню пайдо бўлади ва сиз зарур ҳисоботни танлаб олишингиз мумкин.

“1С. Бухгалтерия” дастури ҳар томонлама мукамал ишлаб чиқилган дастур бўлиб, турли бўлимлар бўйича мураккаб ва таҳлилий бухгалтерлик ҳисобини олиб боришга қаратилган. Таҳлилий ҳисоб таҳлилий ҳисоб (субконто) объектлари бўйича натура ва қиймат ифодаларда олиб борилади. Дастур счётларни қўлда ва автоматлаштирилган ҳолда хўжалик ўтказиш имконини яратади. Барча бухгалтерия проводкалар (счётлар)и “Хўжалик муамолар дафтари”га киритилади. Мазкур проводкаларни хўжалик муамолар дафтарида кўздан кечирганда, уларни аниқ муддат еки чегаралаб ёки гуруҳлаб турли параметрлар бўйича қидириб топиш мумкин.

Муамала дафтарида ташқари дастур шунингдек маълумотлар ҳақидаги ахборотнинг бир неча рўйхатини ҳам қўллаб қувватлайди:

1. Счётлар режаси;
2. Таҳлилий ҳисоб объектлар турлари рўйхатини;
3. Таҳлилий ҳисоб (субконто) объектларининг рўйхатини;
4. Ўтказилган (ўзгармас сон)лар ва ҳ.к.

Ҳисобдан сўнг дастур шаклидаги бухгалтерлик қайдномаларни тузади:

1. Жамловчи (йиғма) проводкалар бўйича қайднома;
2. Айланма –сальдо қайдномаси;
3. Таҳлилий ҳисоб объектлари бўйича айланма–сальдо;
4. Ҳисоб–китоб варақаси;
5. Аниқ бир таҳлилий ҳисоб объекти бўйича ҳисоб варақаси;
6. Ҳисоб таҳлили (бухгалтерия бош китобининг ўзи);
7. Ҳисобларнинг саналар бўйича таҳлили;
8. Таҳлилий ҳисоб объектлари бўйича ҳисоб таҳлили;
9. Таҳлилий ҳисоб объектларининг барча счётлар бўйича таҳлили;
10. Таҳлилий ҳисоб объектларининг барча счётлар бўйича карточкаси;
11. Журнал-ордери.

Дастурда эркин ҳисобларни шакллантирувчи, счёт қолдиқлари ва айланишларини қамраб олган ва таҳлилий ҳисоб объектлари бўйича ҳисобот шакли ва мазмунини ўзига хос ҳисоб тилида таърифлаб берувчи тартиб ҳам мавжуддир. Мазкур тартиб ёрдамида солиқ органларига тақдим этилувчи ҳисоботлар ҳам амалга оширилган. Шунингдек, корхонанинг молиявий фаолиятини эркин шаклида таҳлил этиш ва ички ҳисоботларни ўтказиш учун фойдаланилади.

“1С. Бухгалтерия” дастурда ахборотларни нусхасини сақлаш вазифаси ва архивдаги ҳужжатлар матнларини сақлаш тартиблари ҳам мавжуд.

Бошқа дастурлар қаторида ушбу дастур фойдаланувчининг иши ҳисоблар режасини созлашдан ва (база бутлигида ҳисобга олингандан

ташқари) янги намунали бухгалтерия муамолар намуналарини киритишдан бошланади. Маҳсулот билан биргаликда бирламчи ҳужжатлар тўлдирилган шакл кенгайтирилган рўйхати ҳам таклиф этилади.

Фойдаланувчини у ёки бу ҳужжат қониқтирмаса, унинг босма шакли ва тўлдириш алгоритмини ўзгартириши мумкин. Ички макротилдан фойдаланган ҳолда эса барча ҳужжатларни таърифлаш мумкин.

“АУБИ” - бу кичик, ўрта ва йирик корхоналардаги бухгалтерлик ҳисобини автоматлаштириш борасидаги бирлаштирилган дастурий тизимнинг рўйхатга олинган атамасидир. Корхона фаолиятидаги ўзига ҳослилига боғлиқ ҳолда “АУБИ” бухгалтерлик ишлаб чиқаришнинг қўйидаги унсурларининг ҳисобини олиб боришга имкон беради:

1. Материаллар омбор (склад) ҳисоби;
2. Омбордаги ва фойдаланишдаги арзонбаҳо ва тез эскирувчан материаллар (АТМ) ҳисоби;
3. Асосий воситалар ҳисоби;
4. Касса операциялар ҳисоби, кирим–чиқим касса ордерларини шакллантириш, касса дафтарини юритиш;
5. Банк операциялар ҳисоби тўлов топшириғи, талабнома ва реестрларни тузиш;
6. Бухгалтерлик счётлар ҳисоби;
7. Хўжалик операцияларга оид китобининг юритилиши;
8. Бош бухгалтерия китобининг юритилиши;
9. Шахмат ва айланма кайдномалари шакллантирилиши;
10. Таҳлилий ҳисобга оид турли хил кайдномаларининг шакллантирилиши.

Хўжалик операциялар китоби “АУБИ” учун асосий ахборот база хизматини уйнайди. Фойдаланувчи дастур синтетик ва таҳлилий ҳисобга оид бир қатор ҳисобот ҳужжатларини шакллантириши мумкин. “АУБИ” томонидан шакллантирилган барча ҳисоботлар ASCII ва RTF файлари

шаклида қаттиқ дискда сақлаб қолишини ёки принтердан босма равишда чиқарилиши мумкин. Чиқиш шакллар қаттиқ дискда сақланиб қолгудек бўлса, фойдаланувчи.

Супер менежер дастури. Мураккаб тузилмаларига эга корхоналарда турли шаклдаги мулкни автоматлаштириш равишда бухгалтерлик ҳисобини юритиш учун кўп валютали тизимдир. Турли компьютер тармоқлари ва IBM билан MACINTOSH компьютерларда ишлаш имкони мавжуд.

Бухгалтерия ҳисоб тизими қуйидаги операцияларни амалга оширишга имкон яратади.

1. Таҳлилий ва синтетик ҳисоб;
2. Валюта курси айирмасининг автоматлаштириш ҳисоби;
3. Ҳар хил миллий валюталарга ҳисоб маълумотларини келтирилиши;
4. Ордер китоблари, бош китоб ва барча пул бирликларида ҳамда жамланган эквивалентдаги балансларни юритилиши;
5. Ҳисобларнинг барча алоҳидалик хусусиятларни эътиборга олган ҳолда эгилувчан счётлар режасини тузиш;
6. Мураккаб ўтказишларни шакллантириш;
7. Турли ташкилот ва шахобчалар маълумотларини бирлаштириш (тўплаш).

ФОЛИО (катта ҳажмдани китоб, журнал, дафтар). Бухгалтерия ҳисоб тизими қуйидаги операцияларни амалга оширишга имкон яратади:

1. Чегараланмаган миқдордаги корхоналарнинг бухгалтерлик ҳисобини бир неча корхонанинг жамловчи ҳужжатни олиш имкони билан биргина компьютерда юритиш;
2. Бухгалтерия ишларини юритилаётган корхоналар фаолиятининг мукамал молиявий таҳлили;
3. Пул маблағларини динамикадаги ҳаракатининг ҳисобини
4. Раҳбарият учун молиявий баланс ва тушум билан чиқим тўғрисидаги ойлик ва йиллик ҳисоботлари;

5. Таҳлилий кўрсаткиларни;
6. Валюта (пул бирлиги) ўлчов бирлигида ҳисобларни;
7. Иш хақи ҳисоби;
8. Омбор ҳисобини;
9. Улгуржи молларнинг энг мақбул сотилиш нархларни аниқлаш тизими ҳисоби;
10. Бухгалтерия ҳисоботлар янги шакллари тузиш;
11. Таҳлили кўп даражали жадвалларни тузиш.

“Инфин–бухгалтерия” дастури. Бухгалтерия ҳисоб тизими қуйидаги операцияларни амалга оширишга имкон яратади:

1. Мукамал ўйлаб чиқилган дастур тузулмаси ва бухгалтер-фойдаланувчини кўникадиган дизайн;
2. Ҳисобнинг тўлалигича автоматлаштирилиши;
3. Таҳлилий ҳисобнинг бешинчи даражасигача олиб бориш;
4. Айни сизнинг корxonангизнинг ўзига хос хусусиятига мослаштирилган дастурни соzлашда минимал ўзгартиришлар киритилиши;
5. Ягона иш жойида бир неча корxonалар учун бухгалтерлик ҳисобини юритиш;
6. Қонунлар мажмуидаги ҳар қандай ўзгаришларга мослашиши имконияти;
7. Икки томондама бухгалтерия юритиш имконияти;
8. Ҳар қандай пул бирлигида иш юритиш имконияти;
9. Маълумотларни парол орқали химоя қилиш;
10. Ҳар хил маълумотларнинг муддат ичида сақланиши.

“АВАСУС” professional дастури. Бухгалтерия ҳисобининг тўлиқ мажмуи. Мажмуининг ажратиш хусусиятлари – ҳисобнинг барча вазифаларининг функционал тўлалиги ва комплекс ечими ҳамда:

1. Деталлашган таҳлилий ахборот ўтказиш билан ишлаш;
2. Ишлаб чиқаришга сарфланган харажатлар ҳисоби ва маҳсулот таннархи калькуляция қилинган ёзувларни бош китобга киритиш;

3. Молиявий таҳлил унсурларини ўрганиш;
4. Банк фондларни ва солиқ ҳисобини ҳисоблаш;
5. Мультивалюта муамолар ҳисоботлари тузиш дастур;
6. Ахборотлар техник ва дастурий ҳимояси тизими фойлаланувчининг қулай интерфейси.

Таъкидлаш лозимки, шакл ва қўриниши қандай бўлмасин мажмуининг аниқ бир бухгалтерияга боғланишини таъминловчи созлаш модули ва асосий маълумотлар киритилишини талаб этади.

Хулоса ва таклифлар

Республикада ҳисоб тизимини ислоҳ этишдаги олиб борилаётган ишларни ижобий баҳолаган ҳолда айтиш мумкинки, бугунги кунда миллий ҳисобчиликни ҳуқуқий базаси тўла таъминланди. Ҳал этилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди. Кичик тадбиркорлик субъектларининг молиявий ҳисоботи, уни тузиш ва тақдим этишнинг концептуал асосларини услубий муаммолари ҳал этилмоқда.

Ҳисоб тизимида иккита ташкилий шаклни юзага чиқиши яъни, бошқарув ва молиявий ҳисобни йўлга қўйиш ва уни фарқлаш, илмий асослаш, тадқиқ этиш битирув малакавий ишининг мақсади қилиб олинган эди. Шу мақсаддан келиб чиқиб илмий иш мазмуни белгиланди ва кўйидаги таклифлар берилди:

1. Кичик тадбиркорлик субъектларининг молиявий ҳисоботи, уни тузиш ва тақдим этишнинг концептуал асосларини ташкил этишнинг зарурийлиги ва аҳамияти илмий жиҳатдан тавсифланди.

2. Кичик тадбиркорлик субъектларининг молиявий ҳисоб ва бошқарув ҳисобини объекти муаммоси ҳал этилди. Молиявий ҳисоб объекти сифатида активлар ва пассивлар, даромад ва харажатлар (ошкор этиладиган умумлашган маълумотлари) олинди.

Бошқарув ҳисоби объекти сифати ишлаб чиқариш ёки ички хўжалик ҳисобини элементлари, режалаштириш, таҳлил этиш маркетинг ва ички назорат объектларини элементлари олинди.

3. Кичик тадбиркорлик субъектлари ҳисоб сиёсатининг элементлари таркибланди. Молиявий ҳисоботни концептуал асослари таснифланди.

Корхона ҳисоб сиёсатининг таърифи ва таснифи берилди унинг муҳим элементлари белгиланди.

Ҳисоб сиёсати юриштишнинг ҳуқуқий ва услубий асослари тармоқ тизимида корхоналари учун тузиб чиқилди.

4. Кичик тадбиркорлик субъектларида молиявий ҳисоб ва ҳисоботни йўлга қўйишнинг айрим методологик муаммолари ҳал этилди. Буни қуйидагиларда кўриш мумкин:

- кичик тадбиркорлик субъектларида молиявий ҳисоботни йўлга қўйиш шакллари тузиб чиқилди;

- кичик тадбиркорлик субъектларида молиявий ҳисоботлар элементларини баҳолаш белгиланди;

- кичик тадбиркорлик субъектларида молиявий ҳисоботнинг муҳим тамойиллари тавсифланди ва ҳ.к.

5. Янги усулларни эгаллашни ахборот тизмини такомиллаштирмай ва замонавий компьютер воситаларисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Ҳар қандай иқтисодий объектни бошқариш фаолиятининг асосини мураккаб қурилишга эга бўлган ахборот тизимлари ташкил қилади, уларнинг фаолият тури ва корхона, ташкилот, фирманинг кўламига боғлиқ.

Биз битирув малакавий ишида кичик тадбиркорлик субъектларида молиявий ҳисобот тузиш жараёнини замонавий ахборот технологиялари асосида ташкил қилиниш тартиби, унинг афзаллик жиҳатларини кўрсатиб ўтдик. Кичик тадбиркорлик субъектларида молиявий ҳисоботларни тузишда, унинг маълумотларини аудит қилишда жаҳон мамлакатларида қўлланилаётган тизимлар бугунги кунда илғор ҳисобланади ва уларни Ўзбекистон амалиётида қўллаш мақсадга мувофиқдир. Фикримизча, уларни миллий амалиётга қўллаш кичик тадбиркорлик субъектларида молиявий ҳисоботни тузиш вақтини камайтиради, ҳисобот маълумотларидаги кўрсаткичларнинг ишончлилики даражасини оширади, ва албатта, бухгалтернинг иш унумдорлигини оширишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Тошкент, Ўзбекистон. 2011
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси.- Тошкент, Ўзбекистон. 2012.
3. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси.- Т: “Адолат”, 2012й
4. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” ги Қонуни. -Т. :1996-йил 30-август
5. Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида” ги Қонуни. (Янги тахрирда) 2000-йил 26-май.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ги Қонуни. 1996-йил 25-апрель.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги “Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида” ги ПҚ–615-сонли Қарори;
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хўжалик юритувчи субъектларни текшириш, ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида” 1998 йил 19 ноябрдаги ПФ-2114-сонли Фармонига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қонунлар Тўплами 47-48-сон 352-модда, ПФ-3694, -Т.:2005
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010-йил 26-ноябрдаги “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори Халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида” ги ПҚ-

1438-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2010-йил,48-сон,442-модда).

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012-йил 16-июльдаги “Статистик, Солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-тамоийилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4453-сонли Фармони.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низоми. Вазирлар Маҳкамасининг 54-сонли Қарори.-Т.:1999 йил 5-февраль

12. Положение о службе внутреннего аудита на предприятиях. Приложение №2 к Постановлению КМ РУз от 16.10.2006г. №215

13. “Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома “ (ЎРМБ. №1834, 2008- й, 11. 06) .

IV. Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг меъёрий ҳужжатлари

14. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги “Молиявий ҳисобот шакллари ва уларнинг тўлдирилиши бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида” ги 140-сонли буйруғи.

15. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган “Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари” 1998-2010 йиллар.

16. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган “Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари” 1998-2010 йиллар.

V. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари

17. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” — Т.: Ўзбекистон, 2009.— 56 б.

18. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Т Ўзбекистон . 2010 й, 78 б.

19. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанамиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Т Ўзбекистон . 2011 й, 48 б.

20. Каримов И.А. Бош мақсадимиз- кенг қўламли ислоҳатлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом этириш. Тошкент.: «Ўзбекистон», 2013 й, 64 б.

21. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. – Т.: “Халқ сўзи” газетаси. 2015 йил 17 январь.

VI. Асосий ва қўшимча адабиётлар

22. Бобожонов О. Молиявий ҳисоб. Дарслик. Бухгалтерия ҳисобининг халқаро (IAS), Америка (GAAP) ва миллий (БХМС) стандартларига асосан ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган. – Т.: Молия, 2002.-456 б.

23. Гадаев Э. и другие. Годовой отчет-2009. NORMA, 2010.- 368 б.

24. Гадоев Э. ва бошқ. Йиллик ҳисобот-2008. Тошкент: NORMA, 2009.- 597б.
25. Гадоев Э. ва бошқалар. Бухгалтер учун амалий қўлланма: икки жилдлик. Тошкент NORMA 2010
26. Гадоев Э.Ф. ва бошқалар. Билвосита Солиқлар.Т:»Норма»-2011 й
27. Дўсмуратов Р.Д. Аудит асослари.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2003.-254 б.
28. Ибрагимов А., Очилов И., Қўзиёв И., Ризаев Н. Молиявий ва бошқарув ҳисоби. Т.: Иқтисод-молия нашриёти, 2008.-444 б
29. Ибрагимов А. ва бошқалар. Хориж сармоялари бухгалтерия ҳисоби.Т.: Узбекистан, 1998 – 139 б
30. Каримов А., Исломов Ф., ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. –Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, 2004.- 592б.
31. Козлова Т. Консолидированная бухгалтерская отчетность: методика составления. Бухгалтерский учет. - Москва, 1997. - № 3 - с. 58-65
32. Кутер М. Теория и принципы бухгалтерского учета- М Финансы и статистка. Экспертное бюро. 2000 с. 496
33. Косимов Х. ва бошқалар. Аудиторлик фаолияти бўйича услубий қўлланмалар тўплами. - Тошкент, 2010. - 320 б
34. Нидлз Б., Андерсон Х., Колдуэлл Д. Принципы бухгалтерского учета. Пер. с англ. – 2-е изд. –М.: Финансы и статистика, 1994. с.388-395
35. Ортиков Х.А. ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби бўйича услубий қўлланмалар тўплами. Тошкент, “NORMA”, 2010. — 368-б
36. Очилов И. “Молиявий ҳисоб”. -Т.: “Иқтисод ва молия”,2006 йил
37. Очилов И., Қурбонбоев Ж. Молиявий ҳисоб. Т.: ТМИ, 2004.256б.
38. Пардаев М К , Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил Дарслик -Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунеси, 1-2 кием, 2001 - 256 б
39. Пўлатов А. ва бошқалар. “Бошқарув ҳисоби”,-Т.:ТИМИ,2007 йил

40. Рудык Н. Семенова Е. Рынок корпоративного контроля, слияния, жесткие поглощения и выкупы долговым финансированием - М Финансы и статистика, 2000. -455 с

41. Сотиволдиев А.С. Бухгалтернинг изоҳли луғати. Тошкент: NORMA, 2010 йил. 280 б.

42. Тўлаходжаева М.М. ва бошқалар. Аудит. II жилд. Тошкент: NORMA, 2008 йил. 320 б.

43. Ўразов К., Воҳидов С. Бошқа тармоқларда бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари. Тошкент: -“ADIB NASHRIYOTI” МЧЖ, 2011 йил, 488 б.

44. Гуломова Ф. “Бухгалтерия ҳисобини мустақил ўрганиш учун қўлланма”, -Т.:2012

VII. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

45. «Бозор, пул ва кредит» журнали. –Т.: 2007-2012 йиллар

46. «Солиқ тўловчи» журнали. –Т.: 2007-2012 йиллар.

47. «Солиқ ва божхона хабарлари» газетаси. –Т.: 2007-2012 йиллар

IV. Интернет сайтлари

48. [http:// www.fmc.uz](http://www.fmc.uz). (Ўз. Рес. Молия Вазирлиги)

49. [http:// www.buh.uz](http://www.buh.uz). (бухгалтерлар учун маслаҳат сайти)

50. [http:// www.cipa.uz](http://www.cipa.uz).(СІРАЕН нинг расмий сайти)

51. <http://www.accounting.com>. (бухгалтерлар учун маслаҳат сайти)

52. <http://www.fasb.org>. МҲҲС бўйича расмий сайт

53. <http://www.gaap.ru>. (бухгалтерлар учун маслаҳат сайти)

54. <http://www.lex.uz> (Ўз. Рес. Адлия Вазирлигининг қонунчилик бўйича сайти)

55. <http://www.stat.uz> (Ўз.Рес. Статистика қўмитасининг расмий сайти)